

№1/2024

Xalqaro ilmiy jurnal

STRATEGIK KUCH

ISSN 2992-9032



4 Халқаро таълим
сиёсий омил сифатида

34 Ўзбекистондахалқаро
кузатувчиларнинг сайлов
жараёнидаги фаолияти

№1.2024

Xalqaro ilmiy jurnal

STRATEGIK KUCH

ISSN 2992-9032

Bosh muharrir:
Q.Q Quranbayev

Ma'sul muharrir:
A.T. Jalilov

A.SH. Bekmurodov
A.Z. Sa'dullayev
O.A. Xasanov
X.T. Azizov
A.S. Begmatov
A.T. Jalilov
A. Kawano
A. Ospanova
E. Elmurodov
K.B. Qodirov
A.B. Yunusov
Z.T. Luxmanova
N.O. Shodiyev

Tahririyat jamoasi:
A.T. Onorov
N.F. Xalimova
S.H. Diyorov

Dizayner:
B.O. Jontemirov

2022-yil asos solingan

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi huzuridagi Yoshlar muammolarini o'rGANISH va istiqbolli kadrlarni tayyorlash Instituti

Tahririyat manzili:
100066, Toshkent,
Islom Karimov, 45.
Telefon: 71-232-61-31
E-mail: info@yomi.uz

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2022-yil 11-avgust 1696-son bilan ro'yxatga olingan.

Maqolalarda keltirilgan iqtiboslar, dalillar, raqamlar va ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgar. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Guvohnoma № 1696. 11.08.2022.
Toshkent, Islom Karimov, 45.

Жалилов А, Элмуродов Э. ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ СИЁСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА.....	4
Лухманова З. ЭФФЕКТИВНОСТЬ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ: МЕТОДИКА ПОДСЧЕТА ПЕРЕМЕННЫХ.....	13
Авезова Ш. СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ БЕДНОСТИ.....	28
Алимбаев М. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИ.....	34
Имомназаров Ҳ. ЁШ ОИЛА ТУШУНЧАСИ ВА ЁШ ОИЛАЛАР ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТ ЛАРИ.....	43
Иброхимова М. ЁШ РАҲБАРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ.....	47
Фойипов Э. ЁШЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ИШНИ КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	50

Янгибоева Д.
КҮП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРДАГИ ШАХСЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР ДИНАМИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ
ПСИХОЛОГИК ПРЕДИКАТЛАРИ..... 55

Абдуллаева Т.
ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИСОЛИДА)..... 64

Икрамова Д.
КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛЕКСИК КОМПЕТЕНСИЯНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ХУҚУҚШУНОСЛИК
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ МИСОЛИДА)..... 68

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ СИЁСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА

**Актам Тошназарович Жалилов,
с.ф.д.профессор**

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти директори*

Элдоржон Шодиёрович Элмуородов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
мустақил изланувчиси*

Билимнинг моҳияти уни эгаллаш ва қўллашдан
иборат, ўрганмаслик жоҳилликни тан олишдир.
Конфуций

Аннотация: Мазкур мақолада таълим омилининг глобал миқёсда ва давлатларнинг миллий
сиёсатида аҳамияти илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек,
глобаллашув жараёнларини чуқурлашиши ва билим ҳамда яратувчанликни давлатларнинг
ижтимоий тараққиётидаги энг асосий омилга айланганлиги аниқ мисоллар билан асослаб берилган.

Калит сўзлар: геосиёсат, таълим сиёсати ва омили, таълимнинг глобаллашуви.

Аннотация: В данной статье анализируется роль и фактор образования на глобальном уровне
и в национальной политике государств с научно-теоретической и практической точек зрения.
Также на конкретных примерах обосновывается, что углубление процессов глобализации, знание
и творческий потенциал стали важнейшим фактором социального развития стран.

Калит сўзлар: geopolitika, образовательная политика и ее фактор, глобализация
образования.

Abstract: The article analyzes the role and factor of education both in global level and in the national
policy of states from scientific, theoretical and practical points of view. The paper also substantiated on
specific examples that the deepening of globalization processes, knowledge and creativity have become
the most important factors in the social development of countries.

Keywords: geopolitics, educational policy and its factors, globalization of education

Асосий қисм

Таълим мавзууси ҳозирга қадар жаҳон
сиёсатига доир ўқув адабиётларда, иқтисодий ва
хуқуқий масалалар сингари одатий мавзуларга
айланиб улгурмаган. Ваҳоланки, инсон омили,
яъни унинг қобилияти, билими жаҳон сиёсатини

ҳаракатлантирувчи энг асосий куч эканлиги
айни ҳақиқатдир. Ҳозир инсон омили ҳарбий ва
иқтисодий омиллардан ўзидан кетди, технологиялар
қанчалик устувор бўлмасин, барбир уни инсон
яратган ва у инсонга хизмат қиласи. Инсон омили
ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иқтисодий ва
маданий соҳаларни ривожлантиришда бирламчи

аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Келажак ҳам инсон салоҳиятига боғлиқ бўлиб, инсон ҳай даражада ривожланса, унинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, истиқбол ҳам шундай бўлади. Шу маънода замонавий жамиятда инсон, ўз билими билан сиёсатни яратади.

Халқаро ва ижтимоий тараққиётда билим ҳамиша ҳаракатлантирувчи омил сифатида баҳоланган. Буюк кашфиётлар деб ном олган ўрта асрларда инсоннинг қудрати у эга бўлган ахборотда бўлган. Асрлар оша ахборот олиш тобора осонлашиб ақидалар ўрнини ақл ва амалиёт эгаллай бошлади. Бугунги кунда ахборотнинг барча учун очиқлиги гўёки унинг аҳамиятини пасайтира, у даврларда кўпроқ ахборотга эга бўлиш устунликни кафолатлаган. Замонавий ахборот жамиятида ранг-баранг хабарлар инсонни беихтиёр қамраб олган бўлиб, уни қабул қилиш, унга эга бўлиш ёки таснифлаш аҳамият касб этмайди. Олинганд ахборотни саралаш, таҳлил қилиш, йўналтириш, бошқаларни фойдаланишига ундаш инсоннинг қудратини намоён этади.

Бугунги постиндустриал давр башарият олдига бир қатор талабларни кўндаланг қилиб қўйди. Жамият кундалик ҳаётида янги технологияларнинг жорий қилиниши, унга боғлиқ равишда ахборот алмашинув жараёни ва коммуникация соҳасидаги туб ўзгаришлар, ўз навбатида инсонларни янги кўникуларни ўрганиш, билим даражасини янада оширишга ундумоқда.

Илмий тадқиқотлар ва адабиётларда таълимнинг сиёсатга таъсирини очиб беришга бўлган ҳаракатлар кузатилади. Масалан, АҚШдаги энг машҳур университетлар олимлари сиёсатга (жумладан жаҳон сиёсатига) таъсири нуқтаи-назаридан эътироф этилади. Кўплаб машҳур олимлар АҚШ Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимларида фаолият кўрсатишган. Худди шундай амалиёт Германияда, Буюк Британияда ва Россияда кузатилган. Олимлар ҳамиша ўз илмий доктриналарини амалиётда акс этишини истасаларда, айни вақтда юритиладиган ички ёки ташқи сиёсат рационал асосга эга бўлишини таъминлашга интилганлар. Аммо илмий доктриналар ҳамиша ҳам ўз ҳолида сиёсатда акс этмаган, амалиётчи сиёсатчи албатта илмий доктриналарни ўз йўриғига юритишга ҳаракат қилганлар.

Қўйида АҚШ ташқи сиёсати ва ҳатто жаҳон сиёсатига таъсир кўрсатган машҳур олимлардан бир нечтаси мисол келтирилади.



Александр Вендт (Alexander Wendt) – америкалик сиёсатшунос, халқаро муносабатларда ижтимоий конструктивизмни тадқиқ қилган олимлардан бири. Чикаго ва Йель университетларида илмий тадқиқот олиб борган. Охирги машҳур асари 2015 йилда нашр этилган “Квант тафаккури ва ижтимоий фанлар” деб номланган бўлиб, унда физика ва ижтимоий фанларни ўзаро алоқадорлигини асослайди.



Роберт Оуэн Кохейн (Robert Owen Keohane) - америкалик сиёсатшунос, Принстон университети профессори, Халқаро муносабатлар назариясида неолиберал институционализм тарафдори. АҚШ Миллий Академияси аъзоси.



Джеймс Фирон (James Fearon) — америкалик сиёсатшунос, сиёсий зўравонлик, шу жумладан халқаро, фуқаровий ва этник можаролар бўйича йирик мутахассис. АҚШ Миллий Академияси ҳамда Америка санъат ва фанлар Академияси аъзоси.



Джон Джозеф Миршайдер (John Mearsheimer) – америкалик сиёсатшунос, Чикаго университетида халқаро муносабатлар бўйича йирик мутахассис, “ҳамлакор реализм” назарияси асосчиси, АҚШ ташқи сиёсатида Истроил лоббисининг ўрнини тадқиқ қилган олим.



Джозеф С. Най (Joseph Nye) — америкалик сиёсатшунос, халқаро муносабатлар бўйича етакчи мутахассис. Неолиберализмнинг бир қанча йўналишларини, жумладан комплекс ўзаро чамбарчас алоқадорлик доктринасини ишлаб чиқсан. “Юмшоқ Куч” доктринасининг асосчиларидан бири бўлиб, у халқаро сиёсатда бу омилнинг ўрнини атрофлича тушунтирган. Харвард университети Жон Кеннеди номидаги Давлат Башқаруви Олий Мактаби профессори.



Сéмюэл Фýлипс Хантингтон (Samuel Huntington) — американалик сиёсатшунос ва социолог, тамаддунларнинг этномаданий бўлиниши борасидаги концепцияни илгари сурган. Минтақалар ва давлатлар расмий чегара бўйлаб эмас, тамаддунлар чегараси бўйлаб бўлинишини асослаган «Тамаддунлар тўқнашуви ва дунё тартиботининг қайтадан қурилиши» номли машҳур асари узоқ йиллар дунё бўйича баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.



Хéнри Альфред Кíссинжер (Henry Kissinger) — американалик давлат арбоби, дипломат ва халқаро муносабатлар соҳасида йирик эксперт. АҚШ Президентининг Хавфсизлик Масалалари бўйича
Маслаҳатчиси. Тинчлик бўйича Нобел мукофоти соҳиби.



Ёсихиро Фрэнсис Фукуяма (Francis Fukuyama)—американик сиёсатшунос, файласуф, сиёсий иқтисодчи ва ёзувчи, асли япон миллатига мансуб. Стэнфорд университетининг Демократия, Тараққиёт ва Қонун устуворлиги Марказининг Катта Илмий ходими. “Тарих интиҳоси ва сўнгги одам” асари билан машҳур бўлган. Жаҳон сиёсати, демократик тараққиёт ва либерализм борасида жиддий баҳс-мунозарали ғояларни илгари сурган.



Збýгнев Казýмир Бжезинский (Zbigniew Brzezinski) — американалик (асли польшалик) сиёсатшунос, социолог ва давлат арбоби. АҚШ 39 - Президенти Ж.Картернинг Миллий хавфсизлик масалалари бўйича Маслаҳатчиси. Уч томонлама комиссия асосчиси ва 1976-1976 йиллардаги раҳбари. Шўро тизимининг ашаддий ғоявий душманларидан бири.

Жамиятни “ақлий амалиёт”, “рационал хатти-ҳаракат”га йўналтириш, таълим соҳасида жиддий исплоҳотларни талаб этади. XX асрнинг иккинчи ярмида, глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви, билим ва яратувчанлик ижтимоий тараққиётда энг асосий омил сифатида намоён

¹ Hamilton Kirk, Liu Gang, Human Capital, Tangible Wealth, and the Intangible Capital Residual // Open Knowledge Repository. 2013, 03.

бўлди. Билим бошқа захиралардан фарқли равишда битмас-тугунмас бойлик ҳисобланади. Билимнинг тасарруфи уни камайтирмайди, аксинча ундан фойдаланган сари сайқалланиб, кучайиб боради.

Инсон капитали, инсон малакаси, билими, таълим ва тарбиясини ўз ичига олади. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, 13 та юқори даромадли мамлакат ўрганилганда инсон капитали мамлакат умумий бойлигининг 62% ташкил этади ва бу кўрсаткич, ишлаб чиқариш капиталидан 4 баробар ва табиий бойлик қийматидан 15 баробар кўп миқдорни ташкил этади¹.

Таълим сифатини назорат қилиш ривожланган давлатларда яхши йўлга қўйилган. Ривожланган мамлакатларда аҳоли даромади фуқаронинг олган билими ва малакасига тўғри пропорционал.

Билим даражасидаги фарқ ижтимоий ҳаётнинг сифати жиҳатидан янги босқичга чиқишига ёрдам беради, даромаднинг ошишига хизмат қиласди. Яхши билимга эга шахс ҳаётда, нафақат юқори ижтимоий мавқега, балки тиббий, молиявий аҳволини ҳам анча яхшиланишига олиб келади.

ЮНЕСКО тадқиқотига кўра, таълим сифати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришига хизмат қиласди. 2050 йилга бориб фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги 70% ошиши кутилмоқда.

Таълим шаҳарларда жиноятчиликнинг пасайишига олиб келади. Агар АҚШда 5 % дан кўп эркак фуқаролар олий ўкув юртини битиргандариди, жиноятларнинг пасайиши ва маошларнинг ошиши эвазига иқтисодиётга \$ 20 млрд. қўшимча тушум тушган бўлар эди. Таълим шаҳарларнинг фаровонлиги ва уларнинг экологик барқарорлигига хизмат қиласди: Стэнфорд университети битирувчилари томонидан асос солинган 18 000 та фирма Калифорниядаги шаҳарчаларда жойлашган. Дания, Германия ва Нидерландия сингари велосипедда ҳаракатланиш русум бўлган мамлакатларда болалар ёшлигидан велосипедда ҳавфсиз ҳаракатланиш борасида маҳсус сабоқ олишади.

Таълим сиёсий ҳаётда омилкорлик билан иштирокни рағбатлантиради. Саводхонлик даражаси юқорироқ бўлган 106 мамлакатда фуқароларнинг тинч намойишларга мойил эканлиги аниқланган. Олий таълимга эга бўлган 60 % аҳолининг ҳукуматга мурожаати маълумоти ўрта ва маълумоти бўлмаган аҳолининг мурожаатларига нисбатан 60 % кўп бўлганлиги маълум бўлган.

Таълим ходимларнинг қашшоқлигига барҳам беришга хизмат қиласди. Даромади паст бўлган 90% мамлакатда ишлаётган ходимлар

қашшоқлиқда яшашади. Кейинги йилларда ЕИ га аъзо бўлган 10 та мамлакатда олий маълумотга эга бўлган аҳоли сонининг ошиши 3,7 млн. аҳолининг қашшоқлигига барҳам бериши аниқланган.

Олий маълумотли юқори малакали мутахассислар миқдорининг ошиши, уларнинг иш топишига ёрдам беради. 2015 йилда уларнинг 2/3 қисми юқори малака талаб этадиган меҳнат фаолиятида банд бўлишган.

Бугунги кунда олий таълим олган мутахассислар сони меҳнат бозори талаблари даражасида эмас. 2020 йилда жаҳон бўйича олий таълимга эга бўлган мутахассис талаб қилинадиган вакансияларга 40 миллион ходим етишмаганлиги аниқланган².

Бундай ҳолат бошқа ривожланган ва янги индустриси давлатларда ҳам кузатилмоқда. Шу сабабли, барча минтақаларда таълим тизими ҳукumat олдида турган энг долзарб ва устувор масалага айланган. XX аср охирларида ривожланган давлатларда барча болалар ўрта таълимга эга бўлиш имкониятига эга бўлган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 45-50% атрофида бўлган.

Бугунги даврда олий таълимга эга инсон бутун умри давомида ишлаб топган даромади, ўрта таълимга эга кишининг даромадига нисбатан \$ 600 000га кўп эканлиги аниқланган. Бу эса бутун дунёда олий таълимга бўлган талабни сезиларли даражада ошишига олиб келди. Олий таълим муассасаларига кириш истагини билдирган ўрта таълимни тамомлаган талабалар сони ошиб бормоқда. Мисол сифатида, ушбу кўрсаткич ривожланган давлатларда 50% ни ташкил этса, Малайзияда 15% дан камроқни ташкил этмоқда.

Бутун дунёда талабаларнинг бошқа минтақаларга кўчиши йил сайин ошиб бормоқда. Бунга сабаб таълимнинг глобаллашганлигидир. 2000 йилда ўз юритидан бошқа мамлакатда ўқиётган талабалар сони 2 млн. киши бўлган бўлса, 2012 йилда жаҳон бўйлаб 4 миллион хорижлик талаба бўлган. Бу рақам умуман дунёдаги талабалар сонининг 1,8 % ташкил этган.

Марказий Осиё ҳам хорижга талаба юбориш борасида анча ҳаракатчан минтақа ҳисобланади. Бу минтақадан йил сайин ошиб бораётган талабалар миқдори 2003 йилда 67300 киши бўлган бўлса, 2012 йилда 156600га етган. Яъни йилларга бўлиб чиқилгандан ўсиш суратлари тобора тезлашиб 7,5% ташкил этмоқда. Хорижлик талабаларни қабул қилувчи давлатлар сирасига биринчи навбатда 18% кўрсаткич билан албатта

АҚШ киради, Бирлашган Қироллик 11%, Франция 7%, Австралия 6% ва Германия 5% талабаларни қабул қилмоқда.

Австралия, Япония, ХХР, Малайзия, Сингапур ва Янги Зеландия глобал талаба оқимининг 6% ни қабул қилади ва бу кўрсаткич тобора ошиб бормоқда.

Миср, Саудия Арабистони, БАА ҳам бу йўналишда тобора кўпроқ талабаларни жалб этиб ўз улушларини жамлаган ҳолда 4% хорижлик талабаларни қабул қилишмоқда.

Халқаро талабалар оқимида қабул қилувчи мамлакат сифатида АҚШнинг алоҳида ўрни мавжуд. Масалан, АҚШ давлат департаментининг Таълим ва маданият бюроси ҳамда Халқаро Таълим Институтининг халқаро алмашинувлар борасидаги OpenDoors ҳисботида 2019-2020 ўкув йилида АҚШда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 546 кишини ташкил этган.

2019-2020 йилда АҚШ 1075496 хорижлик талабани қабул қилган бўлиб, бу жами АҚШлик талабаларнинг 5,5 % ташкил этади. АҚШ савдо вазирлиги маълумотига кўра АҚШ хорижлик талабалардан жами \$ 44 млрд. даромад кўрган.

Ковид 19 пандемиясига қадар талабалар учун асосий йўналиш АҚШ бўлиб, бу мамлакатга ХХР ва Ҳиндистон 53% (34,6% и 18%), Жанубий Корея 4,6 %, Саудия Арабистони 2,9%, Канада, Вьетнам, Тайвань, Япония, Бразилия ва Мексика 2,4% талаба юборган. 2018-2019 йилдаги ҳисботга 347,1 минг АҚШ фуқароси хорижда таълим олган.

Таълимнинг аҳамияти ошган сари унга кетадиган сарф ҳаражатлар, ҳоҳ бу моддий, ҳоҳ бу вақт бўлсин ошиб боради. Бу борада қадрланаётган омил фақатгина олий маълумотгина эмас, магистр ва докторлик илмий даражалариги эгабўлган ҳолда, олган билимларни амалиётга қўллаш ва янги қашфиётларни ҳаётга жорий қилишдан иборат. АҚШдаги хусусий университетларда 20 йил давом этадиган (1970-1990) ўқиши сарф ҳаражатлари 474% га ўсган, бу даврдаги истеъмол нархлари эса 248% кам миқдорида ўсган. XXI асрнинг бошларига келиб, АҚШда битта оилада таълимга кетадиган ҳаражатлар, бошқа бирламчи эҳтиёжлар учун кетадиган ҳаражатлардан ошиб кетиш ҳодисаси кузатилган.

Хозирги кунда янги билимларни ўзлаштиришга интилиш фақатгина даромадни ошириш мақсадида эмас, балки тобора техникалашиб бораётган, ранг-баранг технологиялар тобора сингиб бораётган ижтимоий-иктисодий ҳаётга мослашишга бўлган эҳтиёждан ҳам келиб чиқмоқда. Янги даврдаги технологик ўзгаришлар,

² Education for people and planet: Creating sustainable futures for all // UNESCO, 2017

янгиланишлар, рақамли технологияларни тобора ижтимоий ҳаётта кириб бориши, хорижий технологияларнинг чегарасиз ҳаракати инсондан ўз-ўзини чуқурроқ идрок қилиш, ўзининг имкониятларидан тұлақонлы фойдаланишга мажбур қилмоқда.

Бугунги кунда тобора рақамлашиб бораётган ижтимоий хизматлар, онлайн таълим тизими, гаджетлар воситасида амалға ошириладиган банк амалиётлари, сон-саноқсиз тизимлар фуқаролардан махсус билимларни талаб қилмоқда. Ўрта даражадаги ходимларни ишга қабул қилишнинг мезони назарий билимлар эмас, балки күпроқ рақамли технологияларни құллаш амалиёти бўлиб қолмоқда. Демак, бугун инсон бутун ҳаёти давомида меҳнат бозорларida рақобатбардош бўла оладиган билимларни ўрганишга ҳаракат қиласди. Инсонлар касби-коридан қатъи-назар, ахборот ва коммуникация соҳасидаги билимларга эга бўлиш ва уларни такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Хозирда давр талабидан келиб чиқиб, билимларни доимий янгилаб бориш, катта ёшдаги одамларни замонавий билимларга ўргатиш ва малакаларини янгилаб боришига шароит яратишга қаратилган. Меҳнат бозорида бу борада кўплаб дастурлар ва махсус курсларда ҳар хил замонавий билимларни ўрганиш соҳасида таклифлар берилмоқда.

Жумладан, компьютер билимларини ошириш, даволаниш, мулоқот қобилиятини мустаҳкамлаш, чет тилини ўрганиш, ходимлардаги бошқариш, овқат пишириш, психология ва ҳ.к. барча соҳаларда янги технологияларнинг кириб келиши таълим фаолияти соҳасини кескин ўзgartириб юбормоқда.

Ўкув адабиётларини интернет маълумотларига асосланиши, машқларни порталларга юклаш, баҳолаш аллақачон татбиқ этилган. Университетлар турли рейтинглар бўйича халқаро миқёсда баҳоланади ва барча давлатлар ана шу рейтингдан ўрин олиш йўлида ўз таълим тизимини такомиллаштириб бормоқда. Талабалар, тадқиқотчилар, олимлар ўртасида видео конференциялар ва мулоқат қилиш тўғрисида тажрибалар олиб борилмоқда. Унда ўқитувчи, талабалар ўртасида интернет технологиялар орқали онгли мулоқотлар олиб борилмоқда.

Янги технологиялар, жумладан 4 К, 8 К форматидаги юқори ечимли видеотехникалар воситасида ўтказилаётган жароҳлик ва бошқа тиббиёт амалиётларини талабалар онлайн режимида кузатиш имконига эга. Физик олимлар ҳам мураккаб аппаратуралар орқали Гравитация тұлқынларини аниқлаш, Шрёдингер мушуги,

Ихчам Гравиметр, Ерга энг яқин Экzosайёра, Квантли чалкаштириш, Мұъжизавий материал, Атом соат, Микроскоп учун оптика каби мураккаб амалиётларни ўтказиши.

Бугунги кунда дунёнинг исталган университети профессорининг маъruzalарини YouTube канали орқали исталган вақтда тинглаш мумкин. Талабаларнинг берилаётган маъruzalardаги иштироки, улар бералаётган саволлар ва жавоблар профессор-ўқитувчилар томонидан моделлаштирилиб таълим технологияларини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Натижада битирувчилар нафақат билим, балки моделлаштириш, бошқариш кўникмаларига ҳам эга бўлмоқдалар.

Билим соҳасининг яна бир янгилиги талабаларни кўпгина кераксиз қолиплардан озод қилишига бориб тақалмоқда. Бошқача айтганда онлайн таълим талабаларни ихтиёрий билимга интилиши учун имконият яратишига олиб келди. Талаба ўзи истаган пайтда, географик масофани босиб ўтмасдан уй вазифасини бажариши, бу пайтда у исталган уст-бошда, шароитда билим олиш имконига эга. Талабанинг билим олишига халақит бермайдиган ҳар қандай шароитда бўлиши мумкинлиги таълимнинг қолиплашган характеристини ўзgartириб юборди. Бу бир вақтнинг ўзида билим олиш имконини беради ҳамда билим олиш интизомини эркинлик воситасида тарбиялади.

Амалиётга шиддат билан кириб келаётган технологик инновацияларни ким ўз вақтида эгалламаса ўз-ўзидан меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги йўқолади. Бу ҳолат жадал саноатлашиш йўлидан бораётган, янги технологияларни жорий этаётган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Албатта бундай мамлакатларда янги билимларни такомиллаштириш замонавий технологиялар билан бирга параллел равища шаклланиб боради. Янги технологияларни жорий қилиниши таълим соҳасининг қиёфасига жадал таъсир ўтказмоқда. Айни вақтда компьютерда кўп ишлаш оқибатида ҳар хил тиббий ва психо-физиологик касалликларни ҳам келиб чиқармоқда.

Узлуксиз таълим, маълумотларнинг ўта кўпайиб кетиши, компьютерда муттасил ишлаш инсон соғлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бундай салбий оқибатлар бугунги кунда гаджетлардан ажralмайдиган мактаб ўкувчилари ва талабаларда ҳам кузатилмоқда.

Янги технологиялар орқали билим олиш устозшогирд ўртасидаги жонли мулоқотга тескари таъсир ўтказмоқда. Бу эса ўз ўрнида таълим соҳасини оқсоқланишига, таълим жараёнида инсон омилининг аҳамиятсиз ҳолга келишига

олиб келмоқда. Шунга қарамасдан, 2019 – 2022 йилларда рўй берган Ковид 19 пандемияси билим олишнинг онлайн шаклини бутун жаҳонда мустаҳкам тизим ҳолига олиб келди.

Дунёда олий таълимнинг глобаллашуви ва аҳамиятининг ошиб кетиши уни ўзига хос сиёсат, бизнес, ҳамкорлик, маданият каби хусусиятларга эга муҳим йўналишга айлантирди. Ҳар қандай мамлакат фуқароси Стэнфорд, Оксфорд ёки Гарвард университетида ўқишни орзу қиласди. Халқаро университетлар рейтингида ҳам университетларнинг жойлашуви динамикаси нафақат академик ҳамжамият томонидан, балки расмий доиралар ҳам диққат билан кузатади. Нафақат ўз давлатларининг ташки сиёсати, балки жаҳон сиёсатига ҳам таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган шахслар ҳам олимлар эканлиги аллақачон исбот бўлган.

Халқаро можароларни ҳал этишда ҳам юксак мартабали олимлар, минтақавий инқизозларда ҳам таникли фан арблари жалб этилади. Бунинг сабаби, ҳар қандай мураккаб жараён илмий ёндашув негизида ҳал этилиши, мувофиқлаштирилиши мумкинлигига бориб тақалади. Шунинг учун илм-фан давлатлар чегарасини тан олмайди, мафкуравий ёки сиёсий қолипларни инкор этган ҳолда алоҳида, илмга асосланган сиёсат яратади. Кўпгина ҳолларда илм асосида шаклланган сиёсат давлат сиёсатига ҳам амалий таъсир кўрсатади. Биргина XXRни оладиган бўлсак, гарчи АҚШнинг савдо бўйича рақиби ҳисобланса-да, бу мамлакат фуқаролари орасидан энг билимли ва интилувчан қисми Гарвардда ўқишни маъқул кўришади. Илм-фан билан бизнес ва сиёсатнинг алоқадорлиги кучли эканлигини мана шу мисолда кўриш мумкин. Кўпгина давлатларда Гарвард Битиувчилари (Harvard Alumni Association) Бирлашмалари мавжуд бўлиб, улар минглаб йирик бизнес вакиллари, олимлар, сиёсатчилар, журналистларни ўз ичига олган бўлиб, қудратли молиявий, иқтисодий ва сиёсий таъсирга эга. Биргина Хитойда бу бирлашма бир қанча клублар, жумладан Пекин Гарвард Клуби, Шанхай Гарвард Клуби каби минтақавий бўлинмаларни ўз ичига олган бўлиб, нафақат бизнес манфаатларини ифода этади, балки аъзолар бирлашган ҳолда сиёсий, иқтисодий салоҳият ва сиёсий масалаларни ҳам ҳал этадилар.

Илмнинг қудрати борасида айтиш мумкинки, илм-фан барча янги технологияларни яратар экан, уни дунё бўйлаб тарқалишида университетларнинг глобаллашуви ва халқаролашуви муҳим роль ўйнайди. Сунъий ақл, бугунги кунда илм-фан эришган улкан

ютуқлардан ҳисобланади. Бунинг сон-саноқсиз мисолларини келтириш мумкин бўлсада, аммо инсон қиёфасига эга бўлган “София” исмли жуда ақлли робот жаҳон илм-фанининг глобаллашувига хизмат қилиш билан бирга сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бу робот бутун дунё бўйлаб саёҳатга чиқди ва нафақат қандайдир кўнгилочар дастурларда, балки жиддий илмий конференцияларда ҳам иштирок этмоқда. Жўмладан, София 2018 йилда Женевада ташкил этилган сунъий ақлга бағишлиланган халқаро конференцияда нутқ сўзлади. Гонконгдаги Hanson Robotics компанияси томонидан ишлаб чиқилган ушбу робот Андроид тизимида ишлайди ва унинг тобора ошиб бораётган аҳамияти туфайли Саудия қироллиги фуқаролик берди. Бу инсон қиёфасидаги роботга инсоният тарихида илк марта фуқаролик берилишидир.



Шу билан бирга теократик давлат, боз устига Ислом дини асосида бошқариладиган Саудия Қироллигининг роботга фуқаролик бериши, бу давлатнинг илм-фанга нисбатан ҳурмати ифодаси бўлса керак³.

Бугунги кунда жаҳондаги сунъий ақл, дастурлаш, компьютер технологияларига ихтисослашган йирик университетларнинг барчasi дунёдаги улкан IT марказлари билан боғланган. Масалан, дунёнинг энг йирик компаниялари жойлашган Силикон водийси

³ Робот-андроид София стала подданной Саудовской Аравии (рус.), ТАСС (26 октября 2017). Дата обращения 1 ноября 2017.

Силикон водийсидаги йирик компаниялар	
Adobe	Intel
AMD	Intuit Inc.[en]
Agilent	Maxtor (поглощена Seagate Technology)
Apple	NetApp
Altera	National Semiconductor
Applied Materials	Nvidia
BEA Systems (Oraclera қўшилган)	Oracle
Cisco	Sun Microsystems (поглощена Oracle)
eBay	SanDisk
Electronic Arts	Symantec
Facebook	Yahoo!
Google	Xerox
Hewlett-Packard	

аслида Стэнфорд университетининг технологик паркидан бошланган⁴.

IT марказлари дунё бўйлаб шу йўналишдаги факультетлардан тайёр кадрларни мунтазам ўзларига жалб этиш баробарида, ривожланаётган ўлкалардаги қобилиятли талабаларни кўллаб-куватлашга қаратилганaloҳидадастурларниҳам илгари сурадилар. Бу дастурлар аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, бундай “айтишниклар” гуруҳи назарига тушган талабалар ўз келажагини, аникроғи ўқишни битиргач қандай компанияда ишлиши, маоши қанақа бўлишини аниқ тасаввур этади. Бу йўналишда Ҳиндистон, ХХР, Гонконг сингари давлатлар ўз таълим тизимида IT дастурини шу қадар жорий этганки, жаҳондаги энг йирик трансмиллий корпорацияларда тобора кўпроқ ҳинд, хитой этник гурухларига мансуб инженерлар фаолият кўрсатишмоқда. Бу жараён ўзига хос равища IT соҳасида ҳинд ёки хитой бренди шаклланиши тенденциясини юзага келтирмоқда.

Бугун ривожланаётган ҳар қандай давлатда дунёдаги топ университетларни битирган мутахассисга талаб катта. Ривожланаётган мамлакатлар юқори даражада турувчи университетларига Фарбий Европа, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Япония ва ҳоказо юқори ривожланган мамлакатларнинг университетларида илмий иш қилган профессор-үқитувчиларни жалб этишга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабаби, ўз таълим дастурларини халқаро талаблар даражасига мослаштириш,

ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ўз таълим тизимига мослаштиришдан иборат. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар эса ривожланаётган мамлакатлардан юқори илмий салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда уларга ҳам иш беради.

Бу ўзига хос таълим сиёсати бўлиб, ана шу профессор-үқитувчилар ўз юртларидан талабаларни жалб этишга кўмаклашишади. Бу жараён таълимнинг тижорийлашуви билан боғлиқ бўлиб, албатта асли хорижлик бўлган профессор ана шу жараёнга онгли равишда иштирок этади. Бу иштирок уларга аввало иқтисодий кўмак бўлса, иккинчи томондан таълим воситасида маданиятлар ва анъаналар алмашинади. Бундан ташқари, профессор-үқитувчилар алмашинуви домлаларнинг касбий малакасини ошишига шароит яратади. Янги фикр ва тажрибалар алмашинувига кенг имкониятлар очиб беради.

Маълумки, дунёдаги топ университетларнинг хусусий эканлиги уларнинг аниқ мақсад билан, аникроғи бир ёки бир гуруҳ кишиларнинг хусусий мақсадида ташкил этилганлиги маълум бўлади. Университетлар раҳбарияти албатта ўз битирувчиларининг йирик компанияларда ишлиши йўлида сиёсат юритадилар. Бунинг учун йирик компаниялар билан аввалдан шартнома тузадиган университетлар ҳам мавжуд. Бунга Япониянинг Ритсумейкан Осиё Тинч-Океани Университети (Ritsumeikan Asia Pacific University)ни мисол келтириш мумкин. Бу Япониянинг етакчи халқаро университетларидан бири бўлиб, илгаридан йирик компаниялар билан шартнома тузиб ўз талабаларини мақсадли ўқитиш

⁴ Правовой мост длиною в 100 лет: от золотых приисков Ел Дорадо до “золотых” стартапов Кремниевой Долины. Григорий Громов. Netvalley.com, 2010

сиёсатини юритади.

Таълимнинг глобаллашуви унинг универсал эканлигидан келиб чиқади. Университетлар хорижий талабаларни жалб этиш учун ўз дастурлари ва профессор-ўқитувчилари таркибини ранг-барангаштириш йўлидан боришиди. Бундан ташқари, университет ўзи жойлашган худуди, кампус имкониятлари, талабаларга яратиладиган шароитлар, стипендиялар ва суратларни ўз ичига олган брошюра, буклетлар воситасида хорижликларни жалб этади. Бундай кўргазмали воситалар хорижий давлат учун дастлабки тасаввур уйғотса, бўлажак талаба учун “маданий шок”нинг олдини олишга ҳам кўмаклашади.

Олий таълимни халқаро миқёсда ягона стандартга келтириш борасида Болонья жараёни деб номланган узоқ муддатли дастур амалга оширилди. Бу жараёнга қўшилиш борасида энг илғор Европа мамлакатлари бўлган Франция, Буюк Британия, Германия, Италия ортидан бошқа аъзо мамлакатлар, ундан кейин бошқа ўлкалар ҳам жиддий ҳаракат қилдилар. 1998 йилда ушбу давлатлар томонидан қабул қилинган қўшма декларация “Олий таълим соҳасидаги интеграллаштириш тўғрисида” дея номланиб, умумий номи ушбу музокара ўтказилган жой номи, яъни Болонья номи билан аталди.

Бугунги кунда, Европа мамлакатларининг 80 %идан кўпроғи Болонья жараёнига қўшилган бўлиб ва у қуидагиларни кўзга тутади:

- Икки босқичли олий таълим, биринчи босқичи бакалавр даражаси, иккинчи босқичи магистр даражасини олишга қаратилган;
- Кредит тизими, барча мамлакатлардаги ўқиш жараёнини (қанақа курслар, қанча ҳажмда

талаба томонидан тингланган) ягона ҳисобини ифодалаш;

- Таълим сифатини мустақил равиша назорат қилиш, буни асосида ўқишга кетган соатлар сони эмас балки, билим ва билиш даражаси;

- Талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллиги, тажриба бойитиш учун ўқитувчилар маълум бир вақт ичиди ишлаши, талабалар бутун Европа бўйлаб университетларда ўқиши мумкинлиги;

- Европа университетлари битирувчиларининг билимларини қўллашда, мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш шу йўналишда талабгор бўлганлиги, тайёрланаётган мутахассислар ишга жойланишини билдириш;

- Европа таълимини жозибадорлиги (янгиликлар европаликларни ҳамда бошқа худуд ва мамлакатлар фуқароларини европача таълимга бўлган қизиқишига кўмак бўлиши режалаштирилмоқда);

Таълим соҳасидаги интеграциявий жараёнларда маданиятлар, миллий анъаналар, дипломларни юридик тан олиниши, хорижий талабаларни бошқа мамлакатларда ижтимоий-психологик жиҳатлардан мослашиш ва ҳаказолар каби қатор янги муаммоларни қўймоқда. Бугунги кунда онлайн-таълим ниҳоятда юксак аҳамият касб этмоқда. 2019 йилда бошланган Ковид 19 пандемияси даврида бу шаклда таълимни ташкил этиш айниқса кенг тарқалди. Бу шаклдаги таълимнинг таъсирчанлиги анча паст, ҳатто сифати масаласида муаммолар туғилди. Кўпгина давлатлар хорижлик талабалардан келадиган даромад туфайли анъанавий таълим шаклини маъқул кўришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Барабанов О. Н., Лебедева М. М. Глобализация и образование в современном мире / Глобализация: человеческое измерение. М., 2002. С. 54—77.
2. Денисенко М. Б., Разумова Т. О., Телешова И. Г. Образование и человеческое развитие // Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса: Учебное пособие. М., 2000. С. 276-317.
3. Доклад о развитии человеческого потенциала в Российской Федерации. 2000 // Под общ. ред. проф. С. Н. Бобылева.
- Гл. 6. Образование и развитие человеческого потенциала в России. М., 2001. С. 96—106.
4. Иноземцев В. Л. За пределами экономического общества. М., 1998.
5. Иноземцев В. Л. Расколотая цивилизация. М., 1999.
6. Иноземцев В. Л. Неизбежность постиндустриального мира // Постиндустриальный мир и Россия. М., 2001. С. 84-104.
7. Смолин О. Н. Проблемы образования в России // Постиндустриальный мир и Россия. М., 2001. С. 540-553.
8. Туруо Л. Будущее капитализма. Новосибирск, 1999.
9. Hamilton Kirk, Liu Gang, Human Capital, Tangible Wealth, and the Intangible Capital Residual // Open Knowledge Repository. 2013, 03.
10. Education for people and planet: Creating sustainable futures for all // UNESCO, 2017
11. Правовой мост длиною в 100 лет: от золотых приисков Ел Дорадо до “золотых” стартапов Кремниевой Долины. Григорий Громов. Netvalley.com, 2010

Аннотация: Мазкур мақолада таълим омилининг глобал миқёсда ва давлатларнинг миллий сиёсатида аҳамияти илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилингандек, глобаллашув жараёнларини чуқурлашиши ва билим ҳамда яратувечанликни давлатларнинг ижтимоий тараққиётидаги энг асосий омилга айланганлиги аниқ мисоллар билан асослаб берилган.

Калит сўзлар: геосиёсат, таълим сиёсати ва омили, таълимнинг глобаллашуви.
Аннотация: В данной статье анализируется роль и фактор образования на глобальном уровне и в национальной политике государств с научно-теоретической и практической точек зрения. Также на конкретных примерах обосновывается, что углубление процессов глобализации, знание и творческий потенциал стали важнейшим фактором социального развития стран.

Калит сўзлар: geopolitika, образовательная политика и ее фактор, глобализация образования.

Abstract: The article analyzes the role and factor of education both in global level and in the national policy of states from scientific, theoretical and practical points of view. The paper also substantiated on specific examples that the deepening of globalization processes, knowledge and creativity have become the most important factors in the social development of countries.

Keywords: geopolitics, educational policy and its factors, globalization of education

ЭФФЕКТИВНОСТЬ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ: МЕТОДИКА ПОДСЧЕТА ПЕРЕМЕННЫХ

Лухманова Зарина Талибовна,
PhD по политическим наукам

Аннотация. Статья анализирует существующие индексы оценки молодежной политики на международном и национальном уровнях. Автор сравнивает методологии этих индексов и определяют наиболее подходящие для Узбекистана, рассматривается выбор переменных для индекса и методы сбора данных.

Предложенный индекс состоит из шести индикаторов, охватывающих различные аспекты молодежной политики, включая социально-экономическое положение молодежи, социальную активность молодежи, деятельность государственных органов по реализации молодежной политики, государственную молодежную политику и ее инфраструктуру, информационно-коммуникационные технологии и молодежь, а также финансирование молодежной политики. Автор предлагает методологию расчета каждого компонента и предлагаю формулы для их объединения в общий индекс эффективности государственной молодежной политики.

Ключевые слова: молодежь, молодежная политика, индекс молодежной политики, оценка молодежной политики, Узбекистан, методология индекса, переменные индекса, шестикомпонентная модель, индикаторы молодежной политики, показатели молодежной политики.

ВВЕДЕНИЕ

В условиях, когда в мире углубляется процесс глобализации, молодежная политика становится актуальной для каждой страны поскольку молодежь является важным стратегическим ресурсом. Согласно данным по демографии «к 2055 году население мира достигнет 11 миллиардов человек, и большинство из которых будут составлять молодые люди» [1]. Данная демографическая тенденция свидетельствует о наличии и развитии «молодежного бугра» [2], являющегося фактором стабильности. Поэтому странам с высокой долей молодежи для поддержания стабильности необходимо проводить конструктивную молодежную политику, полностью отвечающую их потребностям и желаниям [3].

Существует множество фундаментальных исследований о том, как правящие круги, в период тектонических политических изменений, происходивших в странах мира, использовали фактор

молодежи для достижения своих целей. В частности, в ходе осуществления

«Арабской весны» молодежный фактор был идентифицирован как основная движущая сила в реализации массовых акций протesta. Анализ зарубежных исследований в этом направлении показывает, что молодежь сыграла роль главного «катализатора», спровоцировавшего эти нестабильности. В этой связи является актуальным изучение эффективности реализации молодежной политики.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

В условиях современной действительности ситуация касательно оценки и решения проблем молодежи все более становится актуальной. Сегодня все больше международных организаций признают роль молодежи в поддержке стабильности и миростроительства [4]. В свою очередь, государства также заинтересованы в развитии

молодежи, предоставляя все условия для поддержки и развития молодых. Поскольку молодежь стала капиталом для государства и актором, участвующим в принятии решений. В этой связи, сегодня можно видеть, насколько сильно развивается и модифицируется молодежная политика стран.

Для поддержания национальной стабильности необходимо проводить эффективную молодежную политику, которая, с одной стороны, будет отвечать потребностям молодежи, а с другой позволять государству контролировать стабильность. Это говорит о том, что при проведении молодежной политики государству необходимо применять механизм оценки эффективности молодежной политики.

Поиск ответа показателей эффективности молодежной политики является трудоемким процессом, даже исходя из самого понимания молодежной политики, как мы определили выше [5].



Молодежная политика охватывает все отрасли развития общества, начиная от рождения, образования, труда и социальной адаптации. В частности, сама концепция молодежной политики интерпретируется по-разному. Например, «молодежная политика определяется как отношение государства, общества и его различных групп, классов и социальных институтов к молодежи как социальной группе. В то же время она обеспечивает особое направление деятельности государства, политических партий, общественных объединений и других общественных институтов. Её цель—оказывать четкое влияние на социализацию молодежи, её социальное развитие и на будущее общества» [6]. В свою очередь, индекс является не только оценочным механизмом, но и механизмом контроля для негосударственных организаций. Соответственно, в измерении эффективности молодежной политики оцениваются различные отрасли, начиная с развития молодежи до предоставленных условий для молодежи со стороны государства, для

измерения которых были сформированы различные индексы, о которых мы поговорим ниже.

На сегодняшний день в мире сформированы различные индексы международного и национального характера, оценивающие уровень состояния и развития молодежи, в частности: Индекс развития молодежи UNESCO, Индекс развития молодежи (The Commonwealth) [7], Глобальный Индекс благополучия молодежи [8], Индекс молодежного прогресса [9] и другие индексы, применяющиеся на национальных и региональных уровнях. Индексы мирового уровня позволяют оценить и сравнить развитие молодежи на национальном уровне, а также на кросс-национальном уровне.

На национальном уровне индексы применяются в зависимости

от специфики государственности и его развития, многие государства пользуются уже сформированной методологией со стороны Международных организаций, таких как **ООН, ЮНЕСКО**, и т.д. Более того, помимо международных организаций, индексами все больше интересуются международные компании, оказывающие услуги в области консалтинга и аудита, в частности **Deloitte** и другие.

В странах ближнего зарубежья также сформированы индексы, позволяющие государствам на национальном уровне оценивать состояние молодежи в стране. Например, в Российской Федерации в 2000-х годах был разработан Индекс развития молодежи с использованием методологии Индекса человеческого развития для комплексной оценки потенциала молодого поколения [10]. В **Республике Казахстан** со стороны Научно-исследовательского центра «Молодежь» измеряется **Уровень благополучия молодежи** [11], в **Республике Киргызстан** разработан Индекс благополучия и развития молодежи (ИБРМ) [12].

Индекс позволяет органам государственной власти, бизнесу и организациям гражданского общества систематически выявлять и определять приоритеты потребности молодых людей, устранять барьеры, с которыми они сталкиваются при соблюдении их прав, и предоставлять ресурсы, необходимые для формирования более эффективного молодого общества.

Исходя из выше проанализированного, на сегодняшний день в мире много измерительных механизмов касательно развития молодежи как на национальном уровне, так и на международном. Следует отметить и тот факт, что в Узбекистане отсутствует индекс измерения реализации молодежной политики. Однако этот механизм полезен для видения и стратегической реализации

молодежной политики.

Наличие измерительного конструктора по реализации молодежной политики позволяет:

- органам государственной власти, бизнесу и организациям гражданского общества систематически выявлять и определять приоритеты потребностей молодых людей, устранять барьеры, с которыми они сталкиваются при соблюдении их прав для достойного существования (образование, трудоустройство и т.п.), и предоставлять ресурсы, необходимые для формирования более эффективного молодого гражданского общества;

- оценивать уровень развития молодежи, а также эффективность реализации молодежной политики на национальном и региональном уровнях, а также эффективность действующих акторов;

- международным организациям и частному сектору выявлять потребности молодых людей, поскольку это служит основой для гуманитарной и финансовой работы организаций и компаний на национальном уровне;

- понять потребности молодёжи, и на местном уровне реализовать рентабельные инвестиционные проекты;

- производить контроль в реализации и исполнении целей и задач молодежной политики со стороны политических партий и общественных организаций;

- поддерживать стабильность в государстве.

Последнее повышает актуальность наличия индекса для поддержания стабильности политического режима. В этой связи в следующем разделе со стороны авторов будет предложен механизм оценки эффективности молодежной политики на примере Республики Узбекистан на основе данных Хорезмской области в разрезе районов (для оценки устойчивости математической модели).

МЕТОДИКА ПОДСЧЕТА ПЕРЕМЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНОГО ИНДЕКСА ИЗМЕРЕНИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Выше мы выявили, что молодежная политика включает большое количество направлений развития молодых людей. В этой связи для более полного понимания природы молодежи и перспективы ее развития мы предполагаем, что Национальный индекс измерения молодежной политики будет состоять из шести индикаторов, включающих в себя 60 показателей. В частности, такие индикаторы как: 1) «социально-экономическое положение молодежи»; 2) «социальная ак-

тивность молодежи»; 3) «деятельность органов государственной власти по реализации ключевых направлений государственной молодежной политики»; 4) «государственная молодежная политика и её инфраструктура»; 5) «информационно-коммуникационные технологии и молодежь»; 6) «финансирование государственной молодежной политики» (см. Приложение 2.) . Поскольку данные измерения позволяют оценить состояние молодежной политики в государстве, исходя из трех аспектов: состояние молодежи, условия предоставленных возможностей для молодежи и эффективность государственной молодежной политики.

Индикатор «Социально-экономическое положение молодежи» направлен на определение состояния и положения молодежи в государстве. Индикатор состоит из пяти субиндикаторов: социально-демографические показатели – фундаментальный показатель, продолжительности жизни, здоровье, семья, занятость молодежи и образование.

Социально-демографические характеристики являются общими показателями в модели для построения индекса. Вместе с этим, показатели используются для построение каждого индикатора индекса. Одной из ключевых переменных в этом показателе является миграция. Это связано с тем, что «миграция влияет на динамику молодежного населения, измеряя его демографические характеристики, этнический и религиозный состав, и эта переменная также рассматривает-



ся в экономическом, политическом и социальном контексте» [13]. Безусловно, наличие значительной образовательной и трудовой миграции в стране все больше актуализирует включение данного показателя в данный индекс. Согласно данным показателям статистического комитета Узбекистана, миграцию можно разделить на три вида, исходя из цели поездки молодого человека за границу, в частности: учебная миграция, трудовая миграция и другие виды миграции.

Анализ источников, посвященных изучению миграционной ситуации в стране, позволил

определить наиболее оптимальный вариант расчета данного показателя. Этот показатель дает оценку интенсивности миграции молодежи и использует относительную меру числа миграций, разделенную на среднегодовое население страны [14]:

где «**M₁** - число трудовых мигрантов, **M₂** - число образовательной миграции, **M₃** - число мигрантов или миграций среди молодежи по иным причинам (совокупность миграции среди молодежи); **P** - численность молодежи на данной территории; **C** - константа, равная единице, **100** (тогда результат выражается в показателе «на сто человек населения»), но чаще всего - **1000**. В последнем случае результаты выражаются в промилле или «на тысячу населения». Если величины малы, имеет смысл производить деление на десять тысяч населения (**C = 10000**)» [15]. В данном исчислении уровней города/района будет применена константа 1000 (Денисенко, Калмыкова 2009) [16].

Субиндикатор «продолжительность жизни, здоровье» - показатель рассчитывается, исходя из анализа работ медико-биологических иссле-

$$K = \frac{(M_1 + M_2 + M_3)}{P} * C, \quad (2)$$

дований, расчет годового показателя смертности проводится с учетом причин смертности среди молодежи, где константой является **100000**. Данному подходу также придерживаются Ю.И. Иванов и О.Н. Погорелюк, в частности:

где **K** -- годовой показатель смертности; **a** --- сумма наблюдений, умерших от различных болезней, несчастных случаев, умышленного убийства и суицида среди молодежи данной территории; **b** -- численность молодежи на данной территории.

Для определения субиндикатора «семья» «рассчитывались общие показатели разводимости».

«Общий коэффициент разводимости представляет собой число разводов в расчете на **1000** населения, в определенном временном отрезке, то есть может быть месяц, квартал, год или более:

где **d** – общий коэффициент разводимости за период времени; **D** -- абсолютное число разводов за период времени; **S** – число зарегистрированных браков; **T** -- число лет, входящих в рассматриваемый период времени».

$$K = \frac{a}{b} * 100 000, \quad (3)$$

Расчет переменной «занятость молодежи» осуществлялся по формуле национальных расчетов, только по наблюдениям молодежи, а именно численность молодежи, нуждающейся в трудоустройстве (безработные), определяется вычитанием из численности трудовых ресурсов, занятых и экономически неактивного населения по формулам:

где **U** -- незанятая молодежь, нуждающаяся в трудоустройстве (безработные); **LR** -- трудовые ресурсы; **E** -- занятые; **EIP** -- экономически неактивная молодежь.

Для расчетов переменных, касающихся «образования» [17], не применялась какая-либо си-

$$d = \frac{D}{S*T} * 1000, \quad (4)$$

стема оценивания международных расчетов качества образования, наподобие PISA [18], PIRLS [19], TIMSS [20] и др., брались относительные показатели поступления выпускников в вузы, а также трудоустройство после окончания профессиональных учебных заведений и вузов без учета трудоустройства по специальности, исходя из существующих объективных и субъективных условий в регионах.

где **Edu** -- уровень образования, **a** -- количество выпускников; **b** -- количество поступивших в вузы/трудоустроенных; **C** -- константа **100**.

$$U = LR - E - EIP, \quad (5)$$

Сўнгги йилларда сайловларда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши демократик жараёнларни ва универсал инсон ҳуқуқларини қўллаб-кувватлаш, уларга риоя қилинишини таъминлашнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 21-моддасида демократик принциплар асосидаги сайловларнинг инсон ҳуқуқи сифатидаги ўрни

қўйидагича таърифланади: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукumat ҳокимиютининг асоси бўлиши керак; бу ирова яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим¹». Овоз бериш эркинлиги, сайловларнинг шаффооф ва адолатли ўтишини халқаро кузатувчилар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жами 16 та сайлов ва референдумлар ўтказилган бўлиб, сайлов жараёнлари хорижий ва халқаро кузатувчилар томонидан баҳолаб борилган. Хорижий кузатувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси сайловлари ва референдумларида иштирокийлдан йилга ошиб бормоқда. Масалан, 1994 йил 25 декабрда ўтказилган парламент сайловида 68 нафар халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардан кузатувчилар ташриф буюрган бўлса, 2023 йил ўтказилган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 797 нафар халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардан кузатувчилар иштирок этди.

Кузатувчиларнинг сайловлардаги иштироки йиллар кесимида қўйидагича:

Мамлакатимизда ўтказилаётган сайловлар жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мослигини таъминлашга эришиш йўлида сўнги йилларда бир қатор

¹ Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси 21-модда

Йил	Сайлов	Халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардан кузатувчилар сони
1994	Парламент сайлови	68 нафар
2002	Референдум	130 нафар
2004	Парламент сайлови	228 нафар
2009	Парламент сайлови	270 нафар
2014	Парламент сайлови	340 нафар
2015	Президент сайлови	299 нафар
2016	Президент сайлови	600 нафар
2019	Парламент сайлови	827 нафар
2021	Президент сайлови	974 нафар
2023	Референдум	383 нафар
2023	Президент сайлови	797 нафар

ислоҳотлар амалга оширилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятида ўз ифодасини топди. Бунда универсал ва минтақавий тусдаги халқаро ҳужжатларда назарда тутилган сайлов ўтказишнинг асосий принциплари долзарб аҳамият касб этади. Жумладан, универсал аҳамиятдаги халқаро сайлов стандартларига БМТ, Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро ҳужжатлар, минтақавий аҳамиятдаги халқаро сайлов стандартларига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) каби минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро-хуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат – **«Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида» ги Халқаро пактнинг** (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган) 2 ва 25-моддаларида эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қўйидаги хуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

- ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;
- ялпи ва teng сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланниш;
- ўз мамлакатида умумий tengлик шартларда давлат хизматига кириш мумкинлиги

кўрсатиб ўтилган.

БМТ томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 августдаги 501-1-сонли **«Хотин-қизларнинг сиёсий хуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг** 1-моддасида хотин-қизлар барча сайловларда ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан тенг шароитларда барча сайловларда овоз бериш хуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Мазкур ҳужжатнинг 2-моддасида эса хотин-қизлар ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан тенг шароитларда сайлаб қўйиладиган муассасаларга миллий қонунчилиқда белгиланган тартибда сайланниши мумкин. Шу билан бирга, **1979 йил 18 декабрдаги «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг** (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда қўшилган) 7-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўришлари, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қўйидаги хуқуқларни таъминлашлари лозим:

- а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланниш;
- б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 129-1-сонли қўшилган

БМТнинг 1965 йил 21 декабрдаги «Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тұғрисида»ги халқаро Конвенциянинг 4-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар бир ирқ ёки муайян тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гурухининг устунлигиға тоғызылған қандай шаклда бўлмасин, ирқий нафрат ва камситишни оқлаш ёки рағбатлантиришга уринадиган ҳар қандай тарғиботни ва барча ташкилотларни қоралайдилар ҳамда шундай камситишни ёки камситиш ҳаракатларини тугатишга қаратилган шошилинч ва ижобий тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини олади.


БМТ Бош Ассамблеясининг «Давлатларда сайловлар үтказиш давомида миллий суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларини ҳурмат қилиш тұғрисида»ги 1991 йил 17 декабрдаги 46/130-сонли Резолюциясида ҳам сайлов жараёнига тааллукли бўлган институтларни шакллантириш ва уларнинг йўлларини аниқлаш, шунингдек, конституциявий ҳуқук нормалари ва миллий норматив ҳужжатларга асосан уларни үтказиш усулларини танлаш фақат ҳалқ зиммасида эканлиги, сайловларни эрkin ва одилона үтказишни таъминлашда асосий маъсулият давлатларнинг ўзига юклатилганлиги белгилаб қўйилган.

БМТнинг 2005 йил 27 октябрда эълон қилинган «Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тұғрисида»ги Декларациясига мувофиқ, чинакам демократик сайловлар – бу мамлакат ахолисига тегишли бўлган суверен ҳуқуқларнинг ифодаси, ҳукumat ваколати ва қонунийлигининг асоси бўлмиш эрkin ҳоҳиши-ироданинг билдирилишидир. Фуқароларнинг мунтазам

үтказиладиган демократик сайловларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи – бу ҳалқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланади. Демократик сайловлар сиёсий ҳокимият учун курашнинг тинч йўл билан ҳал этиш имконини яратади, шунинг учун сайловлар тинчлик ва барқарорликни сақлашда асосий аҳамият касб этади. Ҳукумат қонуний демократик йўллар билан сайланадиган давлатларда ҳокимиятга нодемократик йўллар билан эришиш имкониятлари мавжуд бўлмайди. Чинакам демократик сайловлар демократик бошқарувнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади, чунки бу жараён ўзида шундай механизмни акс эттирадики, унинг ёрдамида мамлакат ахолиси қонунда ўрнатилган тартиб асосида ҳалқ номидан ва унинг манфаатларига хизмат қилувчи бошқарувни ким қонуний амалга ошириши мумкинлиги борасидаги масала юзасидан эрkin ҳоҳиши-иродаларини билдирадилар.

Чинакам демократик сайловлар үтказишни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки ўзга ижтимоий ҳолатидан, шу жумладан, ногиронлиги, шунингдек, ўзбошимчалик каби асослантирилмаган чекловлар орқали таъминлаб бўлмайди.

Бундан ташқари, Парламентлараро иттилоқ Кенгашининг 1994 йил 26 марта бўлиб ўтган 154-сессиясида қабул қилинган «Эрkin ва адолатли сайловлар мезонлари тұғрисида»ги Декларациянинг 4.2-бандига асосан, чинакам эрkin, адолатли сайловлар үтказишнинг институтларини ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, сайловларни ташкиллаштириш



ва ўтказиша холис, одилона ва барқарор механизмни ўрнатиш, барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиш, партиялар ва номзодларнинг ўз дастурлари билан танишириш учун керакли имкониятларни таъминлаш, яширин овоз бериш принципига риоя қилиш, пора бериш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл кўймаслик, сайлов жараёнининг ватушунарли олибборилишини таъминлаш, сайловларда зўравонлик қилиш ҳолатларини олдини олиш, сайлов жараёнига тааллуқли бўлган шикоятларни сайлов органлари ва судлар томонидан тез ва самарали кўриб чиқишида қонуний ва бошқа чоралар кўриш давлатларнинг мажбурияти ҳисобланади. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилотнинг 1997 йил 24 майда бўлиб ўтган 161-сессиясида қабул қилинган **«Демократия тўғрисида»ги умумжаҳон Декларациясининг** 12-бандига мувофиқ, демократияга эришишнинг асосий воситаси аниқ давр мобайнида ўтказиладиган эркин ва адолатли сайловлар ҳисобланади. Унинг ёрдамида халқ ҳоҳиш-иродаси ифода этилишига имкон яратилади.

Сайловларни ўтказишининг асосий принциплари юқорида санаб ўтилган универсал тусдаги халқаро ҳужжатлар билан бир қаторда, минтақавий тусдаги халқаро сайлов стандартларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) томонидан 1990 йил 29 июняда қабул қилинган **Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгashi ҳужжати** 7-бандига мувофиқ, халқ ҳоҳиш-иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар катта ёшдаги фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлаши, овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини ва овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳақоний бўлишини, унинг расмий якунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлашлари; фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партияларнинг ёхуд ташкилотларнинг вакили сифатида, камситишларсиз, сиёсий мавқега ёки давлат лавозимларига эришиш ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари; оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнидан иштирокэтишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлашлари лозим.

2002 йил 7 октябрда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлигига аъзо давлатларнинг

«Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 1-моддаси 2-бандида эса қўйидагилар демократик сайловларнинг стандартлари эканлиги тан олинган:

- фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ва халқ (миллий) вакиллигининг бошқа органлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари;

- сайловчиларнинг эркин ҳоҳиш-ирода билдиришини таъминловчи, умумий, тенг сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш асосидаги сайловларнинг мунтазамлиги, мажбурийлиги, одилоналиги, чинакамлиги ва эркинлиги тамоиллари;

- сайловларнинг очик ва ошкоралиги; инсон ва фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини суд томонидан ва бошқа йўллар билан ҳимоя қилиши амалга ошириш, сайловларни халқаро кузатиш; сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш кафолатлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими юқорида санаб ўтилган умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тамоил ва қоидалар асосида шакллантирилиб, бевосита миллий сайлов қонунчилигимиз халқаро сайлов стандартлари талабларига мос келади. Мазкур ҳолатни эса мамлакатимиз давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тизимини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси каби қонунларда мустаҳкамлаб қўйилганлигини кузатиш мумкин. Бу эса миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги ва эркинлиги, уларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказишининг асосий принциплари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига, демократик анъаналарга асосланганлигидан далолат беради.

Халқаро кузатувчилар миссиясининг Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган сайловлардаги асосий вазифаси ҳам юқорида санаб ўтилган халқаро ва миллий қонунчилик талабларидан келиб чиқсан ҳолда сайловларнинг холис, шаффофф ва адолатли ўтишини кузатиб боришдан иборат. Халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлардан кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифи билан сайловларни кузатиб бориш мақсадида ташриф буюради. Халқаро кузатувчилар ўз ташабbusлари билан

сайловларни кузатиб боришлари мумкин. Ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом»га мувофиқ тартибга солинади.

Сайловда хорижий (халқаро) кузатувчилар кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф этилган, шунингдек бундай истакни изҳор этган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ўз кузатувчиларининг рўйхати, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхаларини, электрон фотосуратлари ҳамда анкеталарини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этишлари лозим². Тақдим этилган ҳужжатларга асосан Ташқи ишлар вазирлиги Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритади. Марказий сайлов комиссияси тақдимномага асосан 5 кунлик муддат ичida хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитациядан ўтказади ва бу тўғрисида Марказий сайлов комиссияси мажлисида қарор қабул қиласди³.

Халқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш сайлов кампанияси расман эълон қилинган кундан бошланиб, сайловга камида 10 кун қолгунга қадар давом этади.

Қуйидаги ҳолларда халқаро (хорижий) кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш рад этилиши мумкин:

- аккредитация учун тақдим этилган ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом» талабларига жавоб бермаса;

- ҳужжатлар ушбу «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом» белгиланган муддатдан кеч тақдим қилинса;

- хорижий (халқаро) кузатувчининг ёки унинг номзодини кўрсатган ташкилотнинг фаолияти миллий қонунчиликка зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва миллий манфаатларига хавф солса .

Халқаро (хорижий) кузатувчилар ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси сайловлари кампанияси даврида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш,

тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов кутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетеңларининг уларга берилишини кузатиш;

- сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш; муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

- сайловчининг турган жойида унинг рұксати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;

- овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;

- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

- кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигига бўлиш;

- сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

Хорижий (халқаро) кузатувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин, халқаро (хорижий) кузатувчиларга сайлов кампанияси даврида нималар тақиқланади? Хорижий (халқаро) кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини кўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;

- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суроштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги кўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш жараёнига

² Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом»

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом»

аралашиш;

- бирон бир партия ёки номзодга тегишли рамзий тусдаги белгиларни тақиб ёки олиб юриш;
- сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фиқри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

БМТнинг 2005 йил 27 октябрь куни эълон қилинган Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги декларацияси ва унга илова қилинган Сайловларда халқаро кузатувчиларнинг ахлоқ кодекси қоидалари асосида халқаро ташкилотлар томонидан турли қоидалар ишлаб чиқилган. Уларнинг фаолияти ушбу хужжатлар ва давлатларнинг миллий сайлов қонунчилиги билан боғлиқ норматив хужжатларга асосланади.

Халқаро кузатувчилар узоқ муддатли ва қисқа муддатли кузатувчиларга бўлинади. Узоқ муддатли кузатувчилар сайлов кунидан

6-8 ҳафта олдин, қисқа муддатли кузатувчилар сайловдан 3-5 кун олдин ташриф буоради⁴.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8-моддасида сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқиша ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, халқаро ташкилотлардан, хорижий давлатлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш хукуқига эга экани белгилаб қўйилган.

Сайловларни кузатиш бугунги кунда бир қатор халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан амалга оширилиб келинмоқда, Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюроси, МДҲ, Европа иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ташкилоти, Африка иттифоқи ва Европа консуллиги шулар жумласидандир. ЕХХТ ДИИХБ бугунги кунда сайловларни кузатиш бўйича бой тажрибага эга бўлган халқаро ташкилот бўлиб, дунё мамлакатларида ўтказилган ва ўтказиладиган сайловларни кузатиб боради.

ЕХХТнинг сайловларни кузатиш миссияси

⁴ https://dunyo.info/cyrl/site/inner/saylovlarini_otkazishda_halqaro_kuzatuvchilarining_orni-jXX

⁵ Г.Рахимова “Демократик сайловлар жараёнда халқаро кузатув институтининг роли”. Ҳавола: <https://saylov.uz/uz/news/2023/06/08/demokratik-saylovlar-jarayonida-khalqaro-kuzatuv-institutining-roli>

мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистонда ўтказилган сайловларни кузатиб келади. ЕХХТ ташкилотининг сайловлар бўйича якуний хуосалари асосида Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги такомиллашиб бормоқда⁵.

Ўтган даврда Ўзбекистонда сайловларни халқаро кузатишни ташкил этиш амалиёти тўла шакллантирилди. Шу жиҳатдан, таклиф этилаётган халқаро (хорижий) кузатувчиларни шартли равища уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гурӯҳ – кузатиш халқаро хужжатлар асосида амалга ошириладиган халқаро ва давлатлараро ташкилотлар. ЕХХТ ДИИХБ, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси, Европарламент, МДҲ, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси, ШХТ, ИХТ, ТДТ, Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар шулар жумласидандир.

Таклиф этилаётган халқаро кузатувчиларнинг **иккинчи** гуруҳини ихтисослаштирилган орган ва ташкилотлар, шу жумладан, сайловлар ва референдумларни халқаро кузатишнинг асосий мақсадлари уларнинг устави ёки низомларида белгиланган давлатлараро ташкилот мақомига эга бўлмаган халқаро ташкилотлар ташкил қиласи. Бу гуруҳдан, асосан, миллий конституция ва сайлов, референдумлар тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ сайловлар, референдумлар ўтказишида профессионал иштирок этувчи хорижий сайлов органлари (комиссиялари) ва вазифаларига сайлов жараёнларини ўтказиши ўз ичига олган бошқа органлар (миллий аддия вазирликлари, суд ва бошқалар), миллий сайловлар, референдумларнинг илмий-амалий масалалари билан профессионал равища шуғулланувчи ўшмалар ва ташкилотлар жой олган. Халқаро хусусий хукуқ бўйича Гаага конференцияси, Бутунжаҳон сайлов органларининг ассоциацияси, Осиё сайлов органлари ассоциацияси, МДҲ ПАга аъзо давлатларнинг Демократия, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов хукуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш Халқаро институти, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси каби тузилмалар шулар жумласидандир.

Халқаро кузатувчиларнинг **учинчи** гуруҳига Ўзбекистон томонидан хорижий кузатувчилар сифатида таклиф этилган ва ўз касбий манфаатларидан келиб чиқсан холда сайловни кузатувчи олимлар ва тадқиқотчилар, сайлов хукуқи соҳасидаги эксперtlар, хукуқшунослар, хукуқ ҳимоячилари ва сиёсатшунослар киради.

ЕХХТ кузатувчилар миссияси 1999 йилдан бўён мамлакатимизда ўтказилган сайловларни кузатиб келади. Ташкилотнинг сайлов



жараёнларидаги фаолияти З босқичдан иборат бўлиб қуидаги тартибда амалга оширилади:

Биринчи босқичда ташкилотнинг эҳтиёжларни баҳолаш миссияси сайлов ўтказилаётганимлакатгаташирифбуоради. Ушбу миссия бир неча ой давомида мамлакат сайлов қонунчилиги, кузатувчилар миссияларининг фаолиятини йўлга қўйиш, сайлов ўтказилаётган мамлакатда эркин ҳаракатланиш учун логистика тизимини яратиш каби жараёнларни ўрганади. Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси хulosаларига кўра кейинги босқичларга ўтилади.

Иккинчи босқичда сайловларни чуқур таҳлил қилувчи, сайлов жараёнларининг моддий-техник, ташкилий ва бошқа масалаларини ўрганувчи узоқ муддатли кузатувчилар миссияси сайлов ўтказилаётган мамлакатга жойлаштирилади. Ушбу миссия гурухларга бўлинган ҳолда, мамлакатнинг турли ҳудудларида сайлов кампанияси қай тартибда бораётганини кузатиб боради. Узоқ муддатли кузатувчилар таркибида турли соҳа экспертлари бўлиб, улар сайлов жараёнлари иштирокчиларини ўқитиш босқичидан тортиб, номзодларнинг сайловолди чиқишлирагача ва сайловнинг якуний натижалари эълон қилингунга қадар бўлган барча жараёнларни кузатиб боради.

Учинчи босқич бу сайлов кунига бир неча кун ёки ҳафта қолганида ташкилотнинг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси вакиллари ташриф буюриши билан боғлиқ. Ушбу миссия узоқ муддатли кузатувчилар миссияси вакилларининг якуний хulosаларига зарур бўлган муҳим ахборотларни тўплаш, сайлов куни овоз бериш жараёнларини сайлов участкаларидан туриб кузатиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Ташкилотнинг сайлов тўғрисидаги якуний хulosаси мана шу З босқичли кузатувчилар

миссияси фаолиятининг якуний таҳлилларидан келиб чиқиб тайёрланади.

Хulosha қилиб айтадиган бўлсак, ҳалқаро (хорижий) кузатувчиларнинг мақоми ҳалқаро умумэътироф этилган хуқуқ нормалари асосида белгиланиб, миллий сайлов қонунчилигига кўра тартибга солинади. Ҳалқаро (хорижий) кузатувчилар сайлов кампанияси даврида миллий қонунчиликка кўра Ўзбекистон Республикаси химоясида бўлади. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиши, сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ фаолият юритиши Марказий сайлов комиссияси томонидан мувофиқлаштирилади. Сайловда ҳалқаро (хорижий) кузатувчиларнинг иштироки сайловларнинг ишончли, адолатли ва тенг сайлов хуқуқи асосида ўтишини таъминлашда муҳим омил бўлиб, мамлакатнинг ташки имижини яхшилади. Шунингдек, кузатувчиларнинг сайлов кампаниясидаги фаолияти ва уни холисона баҳолаши, таҳлил этиши сайланган номзодларнинг ички сиёsatдаги легитимлигини таъминлашда зарур омиллардан биридир.

Таҳлил этилаётган даврда ҳалқаро сайловларни кузатиш борасидаги давлат сиёsatининг истиқболли ва самарали моделлари шаклланмаган. Ҳозирги босқичда ушбу институтни ривожлантиришдаги барча ташабbus ҳалқаро ташкилотларга тегишли. Сайловни кузатиш формати, методологияси ва қоидаларини ҳалқаро ташкилотлар деярли ҳеч қандай иштирокисиз ёки ҳаттоқи давлатларнинг расмий розилигисиз бўлиши мумкин. Ҳукуматлар бу шартларни қабул қилишлари шарт.

Адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси 21-модда
2. Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 3 июлдаги 1316-сонли “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида”ги қарори
3. БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисида”ги халқаро пакт 25-модда
4. БМТнинг 1952 йил 20 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳукуклари тўғрисида”ги Конвенция 1-модда
5. 1979 йил 18 декабрдаги «Хотин-қизлар ҳукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция 7-модда
6. БМТнинг 1965 йил 21 декабрдаги «Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида»ги халқаро Конвенция 4-модда
7. БМТ Бош Ассамблеясининг «Давлатларда сайловлар ўтказиш давомида миллий суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик тамоилларини ҳурмат қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 17 декабрдаги 46/130-сонли Резолюцияси
8. БМТнинг 2005 йил 27 октябрда қабул қилинган «Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисида»ги Декларацияси
9. Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 марта бўлиб ўтган 154-сессиясида қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларациянинг 4.2-банди
10. Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1997 йил 24 майда бўлиб ўтган 161-сессиясида қабул қилинган «Демократия тўғрисида»ги умумжаҳон Декларациясининг 12-банди
11. ЕХХТ томонидан 1990 йил 29 июняда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаси хужжати 7-банди
12. 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлигига аъзо давлатларнинг «Демократик сайловлар, сайлов ҳукуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисида» ги Конвенция 1-модда
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом»
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом»
15. https://dunyo.info/cyril/site/inner/saylovlarini_otkazishda_halqaro_kuzatuvchilarining_orni-jXX
16. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8-модда
17. Г.Рахимова “Демократик сайловлар жараёнида халқаро кузатув институтининг роли”. Ҳавола: <https://saylov.uz/uz/news/2023/06/08/demokratik-saylovlar-jarayonida-khalqaro-kuzatuv-institutining-roli>

Annotation: This article explores the role of the institution of public opinion in the transparent, fair, and democratic conduct of elections. Despite declarations of respect for state sovereignty, the conduct of international elections shapes state policies in the field of elections to a significant extent, and responses to organized elections by sovereign state governments indicate compliance with established norms. The article identifies and describes the primary models and political methods of states that are committed to monitoring and overseeing international elections.

Key words: election, referendum, international organizations, international observers, UN, OSCE ODIHR, CIS, TSO, human rights, election policy, constructivism.

Аннотация: В данной статье исследуется роль института общественного мнения в прозрачном, справедливом и демократическом проведении выборов. Несмотря на декларации об уважении государственного суверенитета, проведение международных выборов в значительной степени формирует государственную политику в области выборов, а реакция на организованные выборы со стороны правительства суверенных штатов свидетельствует о соблюдении установленных норм. В статье идентифицируются и описываются основные модели и политические методы государств, которые привержены мониторингу и надзору за международными выборами.

Ключевые слова: выборы, референдум, международные организации, международные наблюдатели, ООН, БДИПЧ ОБСЕ, СНГ, ОТГ, права человека, избирательная политика, конструктивизм

ЁШ ОИЛА ТУШУНЧАСИ ВА ЁШ ОИЛАЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ИМОМНАЗАРОВ ҲАСАН ИХТИЁР ЎГЛИ,

*Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва истик-
болли кадрларни тайёрлаш институти Му-
стақил изланувчиси (PhD)*

Аннотация: Мақолада замонавий ёш оила ва оила ҳақидаги илмий-назарий қарашлар, замонавий ўзбек оиласарининг ўзига хос хусусиятлари, унинг устувор йўналишлари, жиҳатлари, шунингдек, ёш авлод онгига оиласинги ўрни мухим эканлиги, оиласариниг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ислоҳот, оила, никоҳ, жамият, замонавий оила, устувор йўналишлар, жиҳатлар, ёш авлод.

Оила давлат пойдеворининг кичик бир бўлағи саналиб, жамиятдаги барча ислоҳотларнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, оила ижтимоий соҳа, иқтисодиёт, демография, маданият ва умуман олганда жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Оила, олимларнинг фикрига кўра, инсоният ўз мавжудлигининг бутун тарихида яратган энг буюк қадриятлардан бири ҳисобланади. Ҳеч бир ҳалқ, бирон бир маданий жамият оиласиз яшай олмади. Бу маълум бир тузилишга эга бўлган, турли функцияларни бажарадиган, кундалик ҳаётда одамлар ўртасидаги барқарор муносабатлар тизимиdir.

Оила ҳар қандай жамият ижтимоий тузилишининг зарур таркибий қисми сифатида кўплаб ижтимоий функцияларни бажариб, ижтимоий тараққиётда мухим рол ўйнайди. Оила орқали одамларнинг авлодлари алмаштирилади, унда оиласинги давоми амалга оширилади, бирламчи ижтимоийлашув ва болаларни тарбиялаш амалга оширилади. Шу боис, ҳозирда ёш оиласи шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ахир, уларнинг оиласавий ҳаёти келажақдаги бутун жамият тараққиёти ҳисобланади.

Тарихан қараганда олимлар ёш оила ҳақида турлича таъриф берганлар, жумладан, Россиялик олим Д.Павленок ёш оиласаги қўйидаги таъ-

рифни беради: "Ёш оила — бу никоҳдан кейинги дастлабки уч йилдаги оила. Турмуш ўртоқларнинг ёши 18 ёшдан 30 ёшгacha бўлган оиласардир" – дея таъриф берган¹.

Яна бир олима Мустаева Ф.А. "Ёш оила ўз ривожланишининг дастлабки босқичида, никоҳ танловини амалга ошириш босқичи ўзига хос ҳолат ҳисбланиб, Оиласадаги мулоқот эр-хотиннинг оила учун мухим бўлган маълум мақсадларга зериши, шунингдек, яқин киши билан маънавий яқинликдаги шахсий эҳтиёжларини қондириш учун саъй-ҳаракатларининг изчиллиги ва йўналтирилганлигини таъминлайди"² – дея ўз фикрларини баён этган.

Бевосита ёш оиласага ҳуқуқий баҳо берадиган бўлсақ, ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила – ёш оила ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ёш оила янги муносабатларни (шахслараро ва оила ичидаги), янги мақом (келиннинг, ёш оиласинги ҳақ-ҳуқуқлари), янги иқтисодий ҳолат (ёш оиласинги молиявий таъминоти, шахсий молиявий манбалар), янги турмуш йўналишларини шакллантириш босқичида бўлади. Олимлар томонидан ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижаларига кўра, янги мақом ва муносабатларни шакллантиришда ёш оиласинги барқарорлиги, асосан, ёшларнинг оиласавий ҳаёт-

¹ "Ижтимоий иш асослари" дарслиги, Павленок П.Д. Москва/; 125-б

² "Замонавий жамиятда оила" мақоласи, Мустаева Ф.А.

га тайёрлиги билан боғлиқлигини тасдиқлади.

Бугунги кунда ёш оиланинг ўзига хослиги унинг шаклланиши, жадал ривожланиши, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг бекарорлиги, ижтимоий ролларни ўзлаштириши, шунингдек, оиланинг жамиятда мустақил оила сифатида ижтимоийлашуви билан белгиланади.

Мамлакатимизда ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўй-жой ва турмуш, яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, уларни бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларнинг билим савиасини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга



оширилмоқда. Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган испоҳотларга қарамай, бу борада бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Зероки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек «... бугунги тез ўзгараётган зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин»³.

Замонавий ёш оиланинг муаммолари ўтган асрдаги оилавий низолардан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бунда, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда энг аввало қўйидаги йўналишларда самарали фаолиятни олиб бориш керак.

Биринчидан, оиланинг ижтимоий жиҳатларини, яъни никоҳ ва оилавий муносабатларнинг моҳияти, оиланинг жамиятда тутган ўрни, турмуш ўртоқ ва ота-оналарнинг ижтимоий функциялари моҳияти ҳар томонлама тушунирилиб борилиши мухимдир;

Иккинчидан, Ижтимоий ролларига эътиборни кучайтирилиши, бу борада эркак ва аёл, эр-хо-

тин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, ўзига хос хусусиятлари, турмуш ва оилавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳис-тўйгулар, мuloқot қилиш қўнимкасини шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади;

Учинчидан, никоҳ ва оила қонунчилиги асосларини билиши, эр-хотиннинг бир-бирига, фарзандлари ва жамиятга муносабати билан боғлиқ мажбуриятларни билиш ва ўзлаштириши талаб этилади;

Тўртнчидан, ёш оилаларда тарбиявий жиҳатларни – ота-оналарнинг тарбиявий салоҳијатини шакллантириш, оила фарзандларнинг табиий-биологик ва ижтимоий жиҳатдан соғлом вояга этишлари, фарзандларнинг таълим олишларида, касб-хунар ўрганишларида бўлажак келин-куёв тарбиявий вазифалари ва ота-оналар учун керак бўлган педагогик маданиятини юксалтириш мухим ўрин тутади;

Бешинчидан, иқтисодий жиҳатлар, яъни оила моддий фаровонлиги, оила аъзоларининг яшаш, еб-ичиш, кийиниш, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, кексалар хамда болаларни парваришлаш, оила бюджетини шакллантириш хамда пул маблағларини жамғариш, оила бюджетини бошқариш қобилиятлари ва билимларини мустаҳкам-

³ Мирзиёев Ш.М. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” (Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки) 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 464.

лаш орқали ёш оилаларда катта оилавий ҳаётга мослашув янада осонроқ кечади;

Олтинчидан, репродуктив жиҳатлари, ёшлар (бўлажак келин-куёв)нинг жисмоний ва репродуктив саломатлигига эътиборни қаратиш лозим. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда жинсий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти муҳим ўрин тутади. Жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ўз жинсига монанд физиологик, тиббий, ижтимоий-маънавий, руҳий билим ва кўникмаларини миллий ва хорижий тажрибалар асосида шакллантириш, ёш авлоднинг соғлом вояга етиши, репродуктив (соғлом насл қолдириш) қобилиятга эга бўлишини таъминлаш, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборатdir;

Еттингчидан, рекреатив жиҳатлари, ёш эр-хотиннинг ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологияк ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларнинг дам олишини ташкил этиш демакдир. Бу жиҳат ёш оила учун кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларнинг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларнинг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фанологиярдан холи ҳолда, яъни бўш вақтларни биргалиқда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, ёш эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари характеристи қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири ҳисобланади.

Ўсмирлик чогидан бошлаб йигит-қизларга оилавий ҳаёт сирлари, эр-хотинлик одоби, бошқа жинс вакилига бўлган ҳурмат, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашга оид билимларни смарали етказиш орқали келгуси ёш оиланинг мустаҳкамлигига замин яратилади.

Замонавий ўзбек оиласининг маънавий-ахлоқий пойдевори бўлган диний қадриятлардан муҳим ўрин эгаллайди. Тарихан олиб қараганда “Ислом таълимотига кўра, оила Яратганинг розилигини топиш, пайғамбаримиз (с.а.в.) ахлоқлари, исломий одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида курилади. Шунинг учун динимиз оиласи никоҳ асосида қуришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний муносабатларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. Жамият ёмонлик ва бузгунчиликнинг барча турларидан холи тинч ва обод бўлиши, аввало, ушбу кичик жамиятнинг тинчлигига боғлиқ” бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги ёш оиласи мустаҳкамлиги, ундаги маънавий муҳитнинг барқарорлигига, ёшларнинг саломатлигига,

соғлом турмуш тарзига риоя қилиши ва бу борадаги малакага эга эканлигига ҳам бевосита боғлиқ ҳодисадир. Биз биламизки, соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шарти бўлиб, булар, энг аввало, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник кўникмаларга амал қилишдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ёш оиласи мустаҳкамланинг муносабати ва уйғунлигини таъминлаш оиласининг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Шунингдек, олимларнинг таъкидлашлари, ёш оиласининг мустаҳкамланиб, оёққа туриб кетиши, турли майший муаммоларни ўзи мустаҳқил ҳал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли қадриятларга нисбатан бўлган қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечиргандарини ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига ҳам бевосита боғлиқдир.

Бироқ, ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчилликларни бошдан кечирадики, бу муаммолар қуйидаги асосий ҳолатларга боғлиқ



тарзда намоён бўлади:

- оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа масалаларни ҳал қилиш учун вақтнинг этишмаслиги;
- вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги;
- турмуш ўртоқларни янги хонадонда ижтимоийлаштириш даври, янги шароитда ҳам эркакнинг, ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асанбларнинг чарчаши, психологик мослашиш (мутахассислар ёш оиласининг 18% фоизи психологик маслаҳат олишга муҳтож деб кўрсатилган)⁴.
- қариндошлар билан яхши алоқаларнинг йўқлиги;
- ҳаётий мақсадлар, бир-бирига бўлган ўзаро севгига ва ҳурматнинг йўқлиги;
- иқтисодий қийинчилликларнинг ортиши, ёш оиласининг иқтисодий муаммолари, оила-

вий ҳаётни ташкил этиш, ўз яшаш жойларини сотиб олиш ва ҳоказоларни талаб қилиш билан боғлиқ бўлган молиявий ва моддий эҳтиёжларнинг ортиши.

Охирги ҳолат бир томондан, айни пайтда ёшлардаги орзу-ҳаваснинг кўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-ҳаваслари-ю, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар туфайли ёш оила ижтимоий институти сифатида ҳам ўзгармоқда. Ҳаётнинг кўплаб соҳаларидаги бўлаётган ўзгаришлари оилани, айниқса ёш оилаларни тубдан ўзгартириди. Ёш оила ўзгарувчанлик ва ўзгаришларга мойил бўлган тузилма сифатида кўринди. Бунинг оқибатла-

ри ёш оиланинг кўплаб ижтимоий-иктисодий муаммолари бугунги куннинг долзарб масаласига айланди.

Янги Ўзбекистонда кундан кунга ҳаёт ва яшаш шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг бўлишига қарамай, ташқаридан барча ижтимоий-иктисодий муаммолари ҳал бўлган миллий ва хорижий тажриба ёш оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу, ўз навбатида, ўша орзу-ҳаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, ёш оилалар олдида таълим-тарбиявий, маънавий, психологик, моддий-иктисодий, ижтимоий характердаги муаммоли масалалар мавжуд эканлигини асослайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. "Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир" (Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки) 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 464.
2. Оила энциклопедияси. – Тошкент, 2015. – В.156.
3. Д.Ташмуҳамедова, Д.Каримова. Илмий-услубий кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: "Юрист-медиа маркази", 2019. – 128 б.
4. Ўзбекистонда ёш оила (ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида) /Д.Ташмуҳамедова, Д.Каримова. Илмий-услубий кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: "Юрист-медиа маркази", 2019. – 7-бет.
5. "Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё". Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. – "Ижтимоий фикр" маркази, 2018.
6. Е.В. Рыйбак, Н.Г. Слепсова. Молодая семья в современном обществе. –Архангельск, 2016. – Б. 32.

Аннотация: В статье рассмотрены современная молодая семья и научно-теоретические взгляды на семью, специфика современной узбекской семьи, ее приоритеты, аспекты, а также значение роли семьи в сознании молодого поколения. , обсуждается обеспечение прочности семьи.

Ключевые слова: Реформа, семья, брак, общество, современная семья, приоритеты, аспекты, молодое поколение.

Annotation: In the article, the modern young family and scientific-theoretical views about the family, the specific characteristics of modern Uzbek families, its priorities, aspects, as well as the importance of the role of the family in the mind of the young generation, ensuring the strength of families is discussed.

Key words: Reform, family, marriage, society, modern family, priorities, aspects, young generation.

⁴ <https://uz.unistica.com/yosh-oilaning-muammolari>.

ЁШ РАҲБАРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ КҮНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИ- РИШДА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

**ИБРОХИМОВА МАЪМУРАХОН АЛИЖОН
ҚИЗИ,**

*Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истик-
бонни кадрларни тайёрлаш институти
таянч докторанти.*

Аннотация: Ушбу мақолада ёш мутахассисларни муваффақиятли ва инновацияларни риво-
жлантириш учун зарур бўлган ваколатларга эга бўлишига қаратилган етакчиликни ривохланти-
риш дастурлари ва ташабbusлари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш масалалари келтирилган.
Дунё мамлакатлари томонидан қўлланилаётган ёндашувларни ўрганиш орқали биз ёш раҳбар-
ларнинг етакчилик салоҳиятини ривохлантириш ва лидерликка тайёрлаш бўйича самарали
стратегияларни чуқурроқ тушунишимиз мумкин.

Калит сўзлар: ёш раҳбарлар, етакчилик салоҳияти, бошқарув кўникмалари.

КИРИШ

Бугунги кунда ёш раҳбарлар ўртасида самарали бошқарув кўникмаларини ривохлантириш — инновацияларни рағбатлантириш, ўсишли рағбатлантириш ва ташкилот муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бутун дунёда турли давлатлар ёш раҳбарларнинг етакчилик салоҳиятини тарбиялаш ва уларни бизнес оламидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун зарур кўникмалар билан жиҳозлаш бўйича инновацион дастур ва ташабbusларни амалга оширмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хорижий тажрибадан илҳом олиш раҳбарларнинг кейинги авлодини ривохлантириш бўйича илғор тажриба ва стратегиялар ҳақида қимматли тушунчалар бериши мумкин. Ёш раҳбарлар ўртасида бошқарув кўникмаларини ривохлантириш келажак авлодни айниска, давлат бошқарувида, жамият ривожи ҳамда менежмент мураккабликларида ҳаракат қилишга тайёрлашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда ёшларнинг раҳбарлик

салоҳиятини ривохлантириш, уларни раҳбарлик ролларида муваффақият қозониш учун зарур кўникмалар билан куроллантириш бўйича инновацион дастур ва ташабbusлар амалга оширилмоқда.

Хорижий тажрибалардан илҳом олиш ёш раҳбарларнинг бошқарув кўникмаларини ривохлантириш бўйича илғор тажриба ва стратегиялар



ҳақида қимматли тушунчалар бериши мумкин. Ёш раҳбарлар учун бошқарув кўникмаларини

ривожлантириш бўйича хорижий тажрибанинг ёрқин мисолларидан бири **Америка Қўшма Штатларида етакчиликни ривожлантириш дастурлари саноат ва таълим муассасаларида** кенг тарқалган. “Ёш раҳбарлар” дастури **ва Миллий ёшлар етакчилари форуми** каби ташкилотлар ёш мутахассисларга раҳбарлик маҳоратини ошириш учун чукур тажриба, мураббийлик имкониятлари ва тренинг машғулотларини таклиф этади. Бу дастурлар мулоқот, қарорлар қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва стратегик фикрлашга қаратилган бўлиб, ёш етакчиларни келажақда етакчилик ролига тайёрлашга қаратилган. Европада **Германия ва Швейтсария** каби мамлакатларда ёшлиқдан бошқарув қобилиятларини тарбиялаш учун амалий машғулотларни академик таълим билан бирлаштирган шогирдлик дастурлари кучли анъанага эга. Ушбу дастурлар амалий тажриба, жамоада ишлаш ва узлуксиз ўрганишга урғу беради, бу ёш раҳбарларга ўз соҳаларини чукур тушунишга ва ҳақиқий дунё шароитидаги етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга имкон беради. Бу мамлакатлардаги дуал таълим тизими ташкилот муваффақиятига эришиш учун яхши “жихозланган” малакали раҳбарларни етиштиришда муҳим рол ўйнади. Осиёда **Япония ва Жанубий Корея** каби давлатлар **устозлик дастурлари, етакчилик семинарлари ва тармоқ имкониятлари** орқали ёш мутахассислар ўртасида раҳбарликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни амалга ошириди. Бу дастурлар ёш раҳбарларда **интизом, чидамлилик ва мослашувчанлик** каби қадриятларни сингдиришга, уларни динамик ва рақобатбардош бизнес муҳитида раҳбарлик қилишга тайёрлашга қаратилган. Осиё етакчилигини ривожлантириш дастурларида узлуксиз тақомиллаштириш ва умрбод таълимга алоҳида эътибор қаратилиши ёш раҳбарларни глобал бозордаги муаммоларни ҳал қилиш ва имкониятлардан фойдаланиш учун зарур бўлган чақонлик ва чидамлилик билан жихозлайди.

Умуман олганда, ёш раҳбарлар учун бошқарув коъникмаларини ривожлантириш боъйича хорижий тажрибалар турли контекстларда мослаштирилиши ва амалга оширилиши мумкин бўйланган қимматли сабоқ ва тушунчаларни тақдим этади. Дунё бўйлаб муваффақиятли етакчиликни ривожлантириш дастурларини ўрганиш орқали ташкилотлар ва давлат бошқарувида етакчиларнинг кейинги авлодини тарбиялаш ва инновациялар, ўсиш ва барқарор муваффақиятга олиб келадиган истеъододлар линиясини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириши мумкин.

Раҳбарликни ривожлантиришда турли истиқ-

боллар ва илғор тажрибаларни ўзлаштириш ёш раҳбарларни тобора мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлиб бораётган дунёда ривожланишга тайёр-



лаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ёш раҳбарларнинг бошқарув қўникмаларини ривожлантириш бўйича хорижий тажриба бутун дунё бўйлаб раҳбарликни ривожлантириш дастурларини тақомиллаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган қимматли сабоқлар ва тушунчаларни тақдим этади. Бошқа мамлакатлар томонидан қўлланилган ёндашувларни ўрганиш орқали ташкилотлар ёш мутахассисларнинг раҳбарлик салоҳиятини ривожлантириш ва уларни раҳбарлик ролларида муваффақият қозониш учун зарур бўлган қўникмалар билан “жихозлаш” учун илғор тажриба ва инновацион стратегияларни аниқлаши мумкин. Менторлик дастурлари, раҳбарлар малакасини ошириш бўйича семинарлар ва тажриба асосида ўрганиш имкониятлари каби хорижий ташаббуслар ёш раҳбарларнинг бошқарув қобилиятларини ривожлантиришда самарали эканлигини исботлади. Ушбу дастурлар етакчилик ўсишини рағбатлантириш ва малакали ва истиқболли раҳбарларнинг янги авлодини етиштириш учун амалий тажриба, узлуксиз ўрганиш ва мураббийлик муҳимлигини таъкидлайди. Давлат ташкилотлари глобал янгиланиш ландшафтида ривожлананётган муаммолар ва имкониятларга дуч келишда давом этар экан, ёш раҳбарларни ривожлантиришга сармоя киритиш, инновациялар, ўсиш ва барқарор муваффақият учун муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотлар раҳбарликни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, ёш раҳбарларга ўз ролларида устунлик қилиш ва уларнинг ташкилотлари ва ҳамжамиятларига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятини берувчи мослаштирилган дастурларни яратиши мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш раҳбарларнинг бошқарув қўникмаларини ривожлан-

тириш бўйича хорижий тажриба иқтидорли ва қобилиятли раҳбарлар қаторини кенгайтиришга интилаётган давлат ташкилотлари учун қимматли манба бўлиб хизмат қиласди. Инновацион ёндашувларни қўллаш ва бошқа мамлакатларда амалга оширилган муваффақиятли ташабbusла-

рдан сабоқ олиш орқали ташкилотлар ёш раҳбарларга ўзларининг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ташкилий мукаммалликни ривожлантириш имконини берадиган қўллаб-куватловчи ва тарбияловчи муҳитни яратиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Э.Хожиев. Давлат ва жамият бошқарувининг ҳуқуқий асослари. // Тошкент. -"Янги китоб", 2017. 257 бет
2. А.Хайдаров. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш асослари. Ўқув қўлланма // Тошкент. -"Камалак" нашриёти, 2019. 192 бет
3. А.Холов. Бошқарув қарорлари ижросини таъминлашда раҳбар масъулияти. // -Тошкент: "Академия", 2014. — 124 бет
4. Н.Боймуродов. Раҳбар психологияси. — Тошкент, -"Янги аср авлод" 2016,132 бет
5. Н.Раҳматуллаева, А.Камолов. Ижтимоий менежмент. // Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисод-Молия", 2017. — 288 б
6. И.Маҳмудов. Бошқарув професионализими: психологоик таҳдил. // — Тошкент: "Академия" нашриёти, 2011. — 304 бет

Аннотация: В данной статье представлен пример зарубежного опыта программ и инициатив по развитию лидерства, направленных на расширение возможностей молодых специалистов быть успешными и инновационными. Изучая подходы, используемые странами мира, мы можем получить более глубокое понимание эффективных стратегий развития лидерского потенциала молодых лидеров и подготовки их к лидерству.

Ключевые слова: молодые лидеры, лидерский потенциал, управленческие навыки.

Abstract: This article provides a case study of foreign experience in leadership development programs and initiatives aimed at empowering young professionals to be successful and innovative. By studying the approaches used by countries around the world, we can gain a deeper understanding of effective strategies for developing the leadership potential of young leaders and preparing them for leadership.

Key words: young leaders, leadership potential, management skills.

ЁШЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙИ ИШНИ КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЭЛЁР ҒОЙИПОВ,
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истиқболли кадрларни тайёрлаш
институти таянч докторанти.

Аннотация. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг турли хил соҳаларида ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ўз салоҳиятини тўлақонли рӯёбга чиқариш учун қулай имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишида иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий янгиланишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Калим сўзлари: ҳуқуқ, қонуний манфаат, сиёсат, жамият, устувор йўналишлар.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшлар соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ўз салоҳиятини тўлақонли рӯёбга чиқариш учун қулай имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишида иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий янгиланишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

2020-йил 20-ноябр Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Чилонзор туманини ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш масалалари муҳокамаси юзасидан маҳалла раислари, ёшлар, мутасаддилар иштирокида йиғилиш ўтказди. Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Тошкентда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим бўлади, Шаҳар ёшлари форуми ўтказилади. Тошкент ёшлари карvonбоши бўлиши керак деган фикрлари барча пойтахтлик ёшларни тўлқинлантириди.

Пойтахт туманларида «лойиҳалар фабрикаси» ташкил этиб, ёшларнинг бизнес ташабbusларини амалга оширишга кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди. Таъкидландик, энг асосий вазифа қарор қабул қилиш жараёнида ёшларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истаклари, уларнинг таклиф ва ташабbusлари устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бундай ёндашув эса муаммоларни бевосита жойларга чиқиб

«маҳаллабай» кесимда ўрганишни ва ёшлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишни тақозо этади. Бу борада муҳим жиҳатлардан бири сифатида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг манзиллилиги, вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларнинг ҳамда уларни амалга оширувчи масъулларнинг аниқ белгилаб қўйилишига эътибор қаратилади. Вазифалар эса ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, улар ҳар бир туман, шаҳар кесимида амалга оширилади. Айни вақтда, мазкур вазифаларни амалга ошириш жараёнида парламент назорати ўрнатилмоқда, давлат ҳокимияти идораларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги механизmlари белтилаб қўйилмоқда. Ҳокимлар ҳар ойда халқ депутатлари Кенгашида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беришлари ҳамда ОАВ, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали ахборот беришлари талаб этилади. Бундай ёндашув ўз навбатида, ёшлар билан ишлаш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини белтилаб беради.

Маълумки, давлат раҳбари ёшлар билан ишлаш соҳасида белгиланган вазифаларни аниқ ҳисоб-китоб ва илмга асосланган ноанъанавий ёндашув асосида амалга ошириш лозимлигини

алоҳида таъкидлаган. Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларни самарали ҳал қилишда давлат бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субектлари, зиёлилар ва олимлар билан тизимли ҳамкорликни кучайтириш кераклигига алоҳида тўхтади. Ўз ўрнида бундай ҳамкорлик ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

жамият, давлат, тадбиркорлик ва интеллектуал ресурсларнинг барчасини бирлаштириш ва сафарбар қилишга асосланган бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.[1].

Ватан ичра ватанли, яъни бошпанали бўлиш ҳар бир ёш оиланинг орзузи. Янги



турмуш қурган йигит-қиз йўқки, фарзандларини ўзининг уйида дунёга келтириб, улғайтиришни истамаса. Барча туман ва шаҳарларда, жумладан, чекка ҳудудларда “Ёшлар уйлари”ни қуриш бўйича тўрт йиллик аниқ режа ишлаб чиқилгани ёш оилаларнинг мана шу орзусига эришиши йўлида умид маёғи бўлади. Сўнгги йилларда олиб борилган испоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс тизими яратилди. Билимли, кенг дунёқарашга эга ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ёшларга муаммо эмас, ривожланишнинг асосий драйвери, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг фаол иштирокчиси, янги ғояларнинг дадил ташаббускори, халқимизнинг таянчи ва сунячи сифатида ёндашилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги муаммоларга ёчим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида 2020-йилда давлат органи — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилгандастурларни

амалга ошириш мақсадида яхлит инфратузилма яратилди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил этилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эса Ёшлар масалалари бўйича комиссия фаолияти йўлга кўйилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил этилди. Мамлакатда илк бор иш бошлаган Ўзбекистон волонтёрлари ассоциацияси республика бўйлаб 70 дан ортиқ волонтёрлик гуруҳларини бирлаштирди. Чет элда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ёшларимиз билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташкил этилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар — 2030 кун тартиби” дастурига кўра, ёшларнинг сифатли билим олиши учун имконият яратиш барча давлатларнинг зиммасидаги энг асосий вазифалардандир. Мамлакатимизда таълим тизимида кенг кўламли испоҳотлар натижасида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди.

Кейинги беш йилда олий таълим муассасалари сони икки баробар оширилиб, 2016-йилдаги 77

тадан 141 тага етди, олий таълимга қабул квотаси ҳам 3 баробар оширилиб, 28 фоизга етказилди. Ёш аёл-қизларнинг таълим олиши учун кўшимча имконият яратилиб, 3 минг нафардан ортиқ қиз учун алоҳида грантлар ажратилгани ҳам таъкидлаб ўтишга арзигулик далил. Олий таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиётган 3,5 минг талабанинг шартнома тўлови учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Чин етим, ногирон, Мехрибонлик уйида тарбияланган ва бокувчисини йўқотган 729 нафар талабанинг 2,1 миллиард сўмлик тўлов шартнома маблағлари “Ёшлар таълим гранти” лойихаси доирасида, 3,5 минг нафарга яқин талабанинг 13 миллиард сўмлик тўлов шартнома маблағлари “Ёшлар дафтари жамғарма”лари ҳисобидан қоплаб берилгани ҳам бу борадаги испоҳотлар самарасидир. Ёшлар билан ишлашда ахборот маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш, жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатининг ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ёшлар билан ишлаш бўйича илфор амалиётни оммалаштириш ҳамда мамлакат тараққиёти учун муҳим вазифаларни ҳал қилишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш керак. Ёшларга “Ўзбекистон учун 100 ғоя”, “Ёшлар: 1+1”, “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор”, оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ҳамда, “Лойиҳалар фабрика” “Ёшлар кичик саноат зоналари” каби лойиҳаларнинг аҳамиятини алоҳида тушунириш керак.

Шунингдек Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташабbus амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёшлардазамонавийтадбиркорликкўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оиласиий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол

қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистонда 30-июн –“Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижава ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рафбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташабbus амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оиласиий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда



қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ёшларнинг қадр-қиммати ёшларнинг ижтимоийлашуви, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ғояларни ривожлантириш ва ёш авлодга жамият томонидан, унинг таркибий ижтимоий гурухларива ижтимоий институтлари томонидан қўйиладиган ўзгармас меъёрий талаблар маҳсулотидир. Асосий ижтимоий манбаатларнинг акси сифатида, ёшларнинг субъектив ижтимоий мавқеини, унинг дунёқарашини ва муайян ахлоқий тамойилларини ифодалайди. Илм-фан

ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъоди ва қобилияtlарини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Шунинг учун бу масала ҳар доим давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам бу борада истисно бўлмади. Унда алоҳида бўлим давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган. У Ўзбекистоннинг 10 миллион фуқароси ёки мамлакат аҳолисининг 31 фоизини ташкил этувчи ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни қамраб олади. 2016-йил сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қўйидагилар белгиланган.

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш;
- ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;
- ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;
- ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллӣй ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;
- ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқацизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;
- иқтидорли ва истеъододли ёшларни қўллаб-куватлаш ҳамда рағбатлантириш;
- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-

шароитлар яратиш;

- ёшоилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

- ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Шунингдек, 2021-йил 18-январ куни қабул қилинган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепсияси тўғрисида”ги қарорда Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичиде ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари хузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Ҳудудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади.

Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга этишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишига бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-куватлашга қаратилган “беш муҳим ташаббус”ни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда ташкил этилаётган янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий ИТ-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мутлақо янги намунадаги таълим масканлари—“Президент мактаблари”, “Темурбеклар мактаби”, “Ижод мактаблари” бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-куватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021-йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-куватлашваҳолисаломатлигинимустаҳкамлаш иили” деб эълон қилинди. Ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиши, шунингдек, мамлакатимизда 2020-йил декабр ойида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари

форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида қайд этилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги

босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш борасида алоҳида ишлар олиб бориш кўрсатилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз—Т: “Ўзбекистон”, 2017. — 488 б.
2. Қхайдарова Рано Анваровна. (2021). ТХЕ ПРОСЕСС ОФ АДАПТАЦИОН ОФ ЁУНГ ПРОФЕССИОНАЛС ИН ПРЕСЧООЛ ЭДУСАТИОН. Интернатионал Жоурнал оф Академис Педагогисал Ресеарч (ИЖАПР), 5(6), 10–11.
3. Шаюсупова А. А., Хайдарова Р. А. Формирование педагогической компетентности преподавателя языкового вуза в системе непрерывного образования //Бюллетень науки и практики. – 2019. – Т. 5. – №. 6.

Аннотация. В последние годы приоритетом государственной политики стало обеспечение прав и законных интересов молодежи в различных сферах Узбекистана, создание благоприятных условий для полной реализации ее потенциала, расширение участия в жизни общества и государства, общественно-экономическая модернизация.

Ключевые слова: право, законные интересы, политика, общество, приоритеты.

Annotation. In recent years, the priority of state policy has been to ensure the rights and legitimate interests of young people in various spheres of Uzbekistan, creating favorable conditions for the full realization of their potential, expanding participation in the life of society and the state, and socio-economic modernization.

Key words: Law, legitimate interests, politics, society, priorities.

КҮП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРДАГИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ДИНАМИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ПРЕ- ДИКАТЛАРИ

**ЯНГИБОЕВА ДИЛДОРАХОН РАҲМОН
ҚИЗИ,**

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

Аннотация: Глобаллашуев даврида замонавий илм-фандада ҳал қилиниши лозим бўлган асосий ва-зифалардан бури оиласида болалар сонига турли хил ижтимоий-маданий ва иқтисодий омилларнинг таъсирини аниқлашдир. Кўп болали оиласида жамият учун жуда кам учрайдиган, атипик бўлган ва ҳали ҳам камроқ оърганилган ҳодиса бўлиб, мураккаб тизимли шаклланиш сифатида тақдим этилади. Мақолада кўп болали оиласида психологияк хусусиятларини ва уларнинг психологик муаммоларини ўрганувчи илмий нашрлар материалларини таҳлил қилиш асосида замонавий кўп болали оиласида шахслараро муносабатлар динамикасининг асосий психологик предикатлари аниқланган.

Калим сўзлар: кўп болали оиласида, оила функционаллиги, шахслараро муносабатлар, психологик дисфункция, демографик омиллар, ижтимоийлашув, психологик инвестиция, шахслараро муносабатлар коррелятлари.

Кириш

Кўп болали оиласида ўтган асрнинг 90-йиллар бошидан бошлаб психологик тадқиқот обьектига айланди. Ота-оналарнинг психологик хусусиятларини ва кўп болали оиласида оила ичидаги муносабатларнинг хусусиятларини ўрганиш фақат бир нечта хорижий тадқиқотларда амалга оширилди. Хориж, хусусан, МДҲ давлатлари психологиясида бу ҳодисалар амалда ўрганилмаган. Бу эса, замонавий жамиятда кўп болали оиласида мухим ижтимоий роли ва бу ҳодисага психологик тадқиқотлар йўқлиги ўртасидаги қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.

Олимларнинг тавсифлашича, антик даврларда эркак ва аёл алоқалари оқибатида фарзанд туғилса, унга деярли бефарқ қараш,

яъни, инфантисид муносабат кузатилган, бундай муносабат моҳиятан шафқатсизликка асосланган бўлиб, болани дунёга келтиргандар учун унинг насл-насаби, тақдири унчалик аҳамиятли бўлмаган. Янги асрга келиб, бу муносабатлар тубдан ўзгарган, одам зотида эгоизм, ўзига тегишли нарсага нисбатан эгалик хиссисининг такомиллашиб бориши ўзидан бўлган зурриёдга нисбатан муносабатларда ҳам ўз аксини топган. Мулкчилик шаклларининг ўзгариши, турмуш тарзи қадриятларига монанд катталарнинг болага нисбатан ҳис-кечинмалари ҳам ўзгариб борган. Масалан, XIX асрнинг бошлари XX асрларнинг ўрталарига келиб, ота-оналар фарзандларининг жамиятда тутажак ўринлари, уларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор бера бошлаганлар. Кейинги даврлар эса катталарнинг кичиклар тақдирига

бефарқ әмаслиги, уларни құллаб-қувватлаш, ривожланишига күмаклашишнинг аҳамиятини англаш даври бўлган. Бу анъана деярли бизнинг давримизда ҳам давом этиб келмоқдаки, эндиликда туғилган болага эътибор оиланинг барча қадриятларидан устун ҳам келади. Лекин бундай ғамхўрлик психологияси ҳам маданийтариҳий ўзига хосликка эга. Масалан, айrim ҳалқлар (аксарият Европа ҳалқлари) болага у кичиклигига жуда катта меҳр ва ғамхўрлик кўрсатади, тахминан ўсмирилик давридан бошлаб, унинг эркинлиги тан олинида ва отаона томонидан бериладиган тарбия услублари ўзгартирилиб, унга катталарча муносабатлар барқарорлашади. Бошқа бир маданий-этник ҳудудларда, аксинча, фарзанд балоғатга етгани сари ота-онанинг унга эътибори кучаяди.

Асосий қисм

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оиланинг кўп болали оилаларга ўтиши турли хил режимларда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, кўп болали ота-оналарнинг (оналар) бу масала бўйича дастлабки муносабатидаги фарқ ҳақида гапириш мумкин — уларнинг катта қисми дастлаб кўп болали оилаларнинг пайдо бўлишини тахмин қилмаган. Иккинчидан, бу онгли ва мақсадли бўлиши мумкин бўлган туғилишни режалаштиришга бўлган муносабат (ота-оналар бутун репродуктив ёшда туғилиш оралигини эҳтиёткорлик билан режалаштиришади ва қуришади) ёки кўпинча репродуктив ҳодисаларга жавоб сифатида ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин. Учинчидан, кейинги фарзанд кўриш тўғрисидаги қарор кўпинча ҳаётий воқеаларга жавоб сифатида ситуациянан характерга эга ва бир қатор мотивлар (иктисодий, ижтимоий, психолого-психологический) таъсири остида юзага келади. Ушбу омилларга асосланиб, тадқиқотчилар кўп фарзандли бўлиш учун мотивациянинг тўртта моделини таклиф қилган: “анъанавий” модел кўп фарзандли бўлиш бошланғич репродуктив муносабатларнинг юқори даражаси ва туғилишнинг режадан ташқари табиати билан тавсифланади; паст репродуктив муносабатлар ва туғилишнинг режалаштирилган табиати билан ажралиб турадиган “замонавий”

кўп фарзандли оилалар модели; “замонавий-анъанавий” кўп болали оилалар моделида паст репродуктив муносабатлар ва туғилишнинг режалаштирилмаган табиати мавжуд; юқори репродуктив муносабатлар ва туғилишнинг режалаштирилган табиати билан ажралиб турадиган “анъанавий-замонавий” кўп болали оилалар модели. Ривожланган мамлакатлардаги оилалар ўз фарзандларининг инсон капиталига асосан келажакда шахсий қониқиши олиш учун сармоя киритадилар. Ёш болага ғамхўрлик қилиш ёш болани парвариш қилишдан кўра кўпроқ вақт талаб этади, бу эса ўз навбатида унинг таълим олиши ва қобилиятини янада ривожлантирувчи бошқа тадбирлар учун зарур



бўлган бошқа оилавий ресурсларни сарфлаш нуқтаи назаридан қимматроқ ҳисобланади.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларни кўп болали оилалар феномени, унинг оилаларнинг ҳаёт сифатига таъсири узок вақтдан бери қизиқтиради. Анъанавий жамият шароитида болалар туғилишининг иқтисодий мотивлари устунлик қилди, чунки болалар меҳнаткаш сифатида оиласа иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ва қариганда ота-оналарнинг фаровонлигининг кафолати бўлган. Болалар алоҳида иқтисодий неъматдир, чунки улар нафақат оила эҳтиёжларининг манбаи, балки унинг узок муддатли инвестиция обьекти ҳамдир.

Бундай инвестиция жараёнини амалга ошириб, оила келажакдаги харажатларини бутун оила учун ёки боланинг ўзи учун даромадлар оқимини ошириш орқали қоплашга умид қиласди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, боланинг инсон капиталини шакллантириш сифати оиласадаги болалар сонига боғлиқ бўлади ва бу жараёнда ота-оналарнинг ҳиссаси бошқача тарзда идрок этилади. 1970-йилларда оиласадаги болалар сони ва сифати ўртасидаги муҳим боғлиқликни исботловччи, ушбу детерминантларга таъсир қилувчи индивидуал омилларни ўрганувчи бир нечта машҳур нашрлар пайдо бўлди .

Г.Беккер ота-оналарнинг моддий фаровонлик даражасини оиласада болаларнинг таълим

¹ Перышкова С.А. Роль семьи в развитии дошкольника / С.А. Перышкова, Е.П. Скрылева // Сб.: Актуальные проблемы науки и образования: сборник статей по итогам научно-исследовательской и инновационной работы Социально-педагогического института ФГБОУ ВО Мичуринский ГАУ за 2017 г. / под общ. редакцией В.Я. Никульшина. – Мичуринск: Издательство Мичуринского ГАУ, 2017. – С. 16 – 19.

² Попов А.С. Формирование представления о развитии личности у будущих педагогов / А.С. Попов, Т.И. Попова // Актуальные проблемы образования и воспитания: интеграция теории и практики: сборник материалов Национальной контент-платформы (12 декабря 2019 г.) / под общ. ред. Г.В. Коротковой. – Мичуринск: Изд-во Мичуринского ГАУ, 2019. – С. 93.

олиш даражасига таъсир қилувчи асосий омил сифатида ажратиб кўрсатди. Ушбу талқиндан келиб чиқкан ҳолда, оила инсон капиталига инвестиция қилиш имкониятига эга бўлган молиявий ресурсларни тақсимлашнинг асосий канали сифатида ишлайди. Оила аъзолари томонидан олинган даромадлар инсон капиталини ишлаб чиқариш, ривожлантириш ва тақрор ишлаб чиқариш учун шартшароитларни тўлиқ шакллантиради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб тадқиқотда оиладаги жуфтликларнинг ҳаёт мазмуни йўналганлиги ҳамда уларнинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги установкаларини ўрганувчи психодиагностик методикалардан фойдаланилди.

Алоҳида тадқиқот муаммоси ота-оналарнинг репродуктив муносабатларининг оиладаги болалар сонига таъсири билан боғлиқ. Масалан, нигериялик олим У.Исуго-Абанийнинг тадқиқотида нигериялик оилаларда болалар сони ва оиланинг катталиги ҳақидаги қарор фақат эркак томонидан қабул қилинади, деган холосага келинади. Й.З.Гарипов ва И.С.Мавляутдиновларнинг фикрича, катта оилани яратиш учун ҳар иккала эр-хотиннинг ҳам тайёр бўлиши керак. Шу билан бирга, улар кўп болали оилаларда фарзанд кўриш ташаббуси деярли тенг улушларда отага ҳам, онага ҳам тегишли эканлигини таъкидлашади⁴.

1-жадвал

“Ҳаёт мазмуни йўналганлиги” методикасининг тавсифловчи статистик таҳлили

Йўналишлар	Мин	Макс	\bar{X}	σ	Ac	Экз
Мақсад	7,00	39,00	30,6667	5,40854	-2,757	9,536
Жараён	8,00	42,00	30,4933	5,61218	-1,726	5,884
Натижа	5,00	41,00	28,7333	6,43960	-1,386	3,522
“Мен” локус назорат	6,00	42,00	28,9067	6,60707	-1,368	3,007
“Ҳаёт” локус назорат	8,00	42,00	28,6933	7,72496	-,564	,642

“Ҳаёт мазмуни йўналганлиги” методикасининг тавсифловчи статистик таҳлилига мувофиқ мақсад шкаласи бўйича минимал кўрсаткич 7 балл, максимал кўрсаткич 39 балл, ўртacha қиймат 30,66 ни ташкил этиб (Экз=9,536), кўп болали оилаларда ҳаёт мазмунининг йўналганлигига кўпроқ мақсадларга эътибор бериш, оилавий ҳаётни тўғри режалаштириш учун мақсадларни реал ҳамда конкрет қўйишга бўлган интилиш устунлиги кузатилди. Шунингдек, жараён (экз=5,884), натижа (экз=3,522), “мен” локус назорат (3,007) шкалаларида ҳам юқори қийматлар қайд этилиб, ушбу натижаларни кўп болали оилалардаги ҳаёт мазмуни йўналганлиги асосан оилавий жараёнлар самарадорлигига қаратилиши, оиладаги муносабатларда асосан шахсларнинг натижавий позициядан бир-бирига ёндашиши, шунингдек, интерперсонал ракурсда ўз “мен”лигини намоён этиш кўпроқ регулятив позициядан амалга оширилиши билан фарқланганлиги билан характерланади, каби холосалар қилишга ундейди.

Жуфтликлар установкаси методикаси бўйича олинган таҳлилларга кўра, фарзандга муносабат, бурч ва завқ ҳисси ҳамда жинсий ҳаётга муносабат шкалаларида минимал кўрсаткичлар бошқа қиймат кўрсаткичларига қараганда озчиликни (мин=2; мин=3) ташкил этганини кўриш мумкин. Бундан холосага келинадики,

фарзандларнинг кўп бўлиши натижасида ота-онада фарзандларга нисбатан индивидуал ёндашув жиҳатидан замон ҳамда макон тезлигига муносабатда бўлиш кўлами паст даражада бўлади. Бу эса, фарзандларда ота ҳамда она билан муносабатларнинг дисфункционал тарзда кечиш имкониятини ошириши мумкинлигини билан ҳам аҳамиятга моликдир. Шунингдек, минимал баллар ҳисобидан бурч ва завқ ҳисси ва жинсий ҳаётга муносабат кўрсаткичларида қуий натижалар қайд этилганини, кўп болали оилалардаги масъулият ҳамда қарашлар хилмажиллиги нұқтаи назаридан оилавий бурчни ва оилавий ҳаёт, оила анъаналаридан роҳатланиш, завқланиш ҳиссининг доимий бақрарор тусда эмаслиги билан изоҳлаш мумкин бўлса, жинсий ҳаётга муносабат, унга баҳо даражаси интим алоқалар ракурсида жуфтликларнинг маънавий ҳамда психологик қониқишилари йўлида камроқ микдорда хизмат қилаётганидан дарак беради.

Юқорида бўлгани каби энг устун кўрсаткичлар бурч ва завқ ҳисси, фарзандга муносабат шкалаларида қайд этилиб, кўп болали оилаларда эр-хотиннинг бир-бирлари ҳамда фарзандлари олдидаги бурчлари юқорилиги

³ Зиммель Г. Большие города и духовная жизнь.

⁴Семьецентризм: миф или реальность?/А.И.Антонов, В.М.Карпова, С.В.Ляликова и др.— Москва: Москва, 2016.— 324 с.

реал идрок қилиниб, бу улардаги ажралишга бўлган муносабатнинг паст кўрсаткичда (1,162) бўлишига ҳам таъсир этиши мумкинлиги маълум бўлади.

Кўп болали оилаларда ҳаёт мазмуни йўналғанлиги ҳамда жуфтликлар установкаси ўртасидаги боғлиқликларга асосан, ажралишга муносабат ҳамда мақсад ($p=-0,237$, $n=0,05$),

2-жадвал

Кўп болали оилаларда ҳаёт мазмуни йўналғанлиги ҳамда жуфтликлар установкаси ўртасидаги боғлиқликлар

Кўрсаткичлар	Мақсад	Жараён	Натижа	Мен локус назорат
Ажралишга муносабат	-0,237*	-0,169	-0,248*	-0,079
Романтик турдаги севгига муносабат	-0,088	-0,006	-0,061	0,053
Жинсий ҳаётдаги баҳога муносабат	0,134	-0,130	-0,193	-0,077
Жинсий ҳаётга муносабат	-0,084	-0,103	-0,185	-0,247*
Эгалитар турдаги оиласа муносабат	-0,256*	-0,273*	-0,281*	-0,163
Гулга муносабат	-0,089	-0,123	-0,135	-0,015

Izoh: * — $p<0.05$

ажралишга муносабат ва натижа ($p=-0,248$, $n=0,05$), жинсий ҳаётга муносабат ва ман локус назорат ($p=-0,247$, $n=0,05$), эгалитар турдаги оиласа муносабат ва мақсад ($p=-0,256$, $n=0,05$), жараён ($p=-0,273$, $n=0,05$), натижа ($p=-0,281$, $n=0,05$) шкалаларида тескари, манфий корреляцион боғлиқликлар қайд этилди. Олингандан эмпирик натижалардан кўп болали оилаларда ажралишга муносабат камроқ даражада бўлиб, бундай фикр жуфтликларда туғилган тақдирда ушбу қарор уларнинг ҳаётий мақсадлари ҳамда турмуш тарзидаги натижаларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги маълум бўлади. Демак, кўп болали оилаларда ажралиш феномени камроқ кузатилиши мумкин. Шунингдек, жинсий ҳаётга муносабатнинг кўп болали оиласадаги эр ва хотинда эҳтиёжлар иерархиясида устунлик қайд этиши уларнинг ўзларини назорат қилиши ҳамда репродуктив саломатлигига жиддий таъсир эътишига ҳам замин яратади.

Аниқ белгиланган оила бошлиқлари бўлмаган ҳамда ота ва она ўртасидаги ҳокимиятнинг вазиятга қараб тақсимланиши устунлик қиласидаги тенг ҳукуқли оилалар сифатида тавсифланувчи эгалитар турдаги оила бўлишга нисбатан установканинг кўп болали оилаларда кузатилиши улардаги оиласавий мақсадлар, режалар ҳамда турмуш тарзи мобайнида кечадиган жараёнларнинг сифатига тескари таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди. Бунда оиласавий роллар вазият тақозоси билан ўзгаради, рўзгор юмушлари ҳам вазиятнинг динамик ҳолатига боғлиқ тарзда кечади. Оиласавий муносабатларни яхшилашда тенг ҳукуқли оила барака ва мўъжиза эканлиги аниқ таъкидланади. Турмуш ўртоқлар ҳар томонлама тенгликка

эришиш жуда кам учрайди. Бундай никоҳда ҳеч нарса иккинчи ярмининг “нафасини чекламайди”, лекин бундай қулай уй дунёси фақат ўзаро келишув асосида, шерикни бузмасдан ёки уни “инқилобий” ғоялари остида рақсга тушишга мажбурламасдан яратилиши кераклиги билан ҳам характерли жабҳалардан биридир.

Оиласа бўлган қизиқиш, унинг кўп функциялигини ҳақиқий мазмунли ўрганиш билан бир қаторда, унинг ижтимоий-маданий табиатига кўра ўзига хос воситачилик ролига бўлган когнитив қизиқиш билан қўллаб-куватланади, чунки ўзмоҳиятига кўрачегарадош бўлган ҳодиса сифатида, мамлакатдаги тузилмалар кесишмасида жойлашган. Оила таърифлари орасида аҳолининг кўпайиши ва ижтимоий-психологик яхлитлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда, оила эр-хотинлар ўртасидаги, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг тарихий ўзига хос тизими сифатида, аъзолари бир-бирига боғланган кичик гурух сифатида таъриф бериш мумкин. Никоҳ ёки оиласавий муносабатлар орқали, умумий ҳаёт ва ўзаро маънавий жавобгарлик ва ижтимоий эҳтиёж жамиятнинг аҳолининг жисмоний ва маънавий кўпайишига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади. В.Н.Архангелскийнинг асарлари катта турмуш тарзидан ўтра ва кичик турмуш тарзига ўтишнинг турли тарихий босқичларида репродуктив хатти-ҳаракатларнинг ўзгариши масалаларини очиб беради. Муқобил ёндашув маълум устувор ҳаёт стратегияларини жорий кўриб чиқиш ва шахсиятнинг этно-демографик ва ижтимоий-иктисодий белгиланиши тизимида турмуш ўртоқлар учун қиймат йўналишлари тузилмасини танлаш, макроминтақа ва “оиласавий режалаштириш” вазифаларини оддий даражада

тушуниш ва демографик ўтишнинг тарихий шакллари билан боғлиқ . А.В.Носкованинг таъкидлашича, агар илгари ота-оналик инсоннинг ҳаётий (ўзини ўзи сақлайдиган) эҳтиёжи ва болаларнинг туғилиши “фуқаролик бурчи” деб ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда баъзи европаликлар учун кўпайиш ва ота-оналик ҳақидаги бундай тушунча ўз кучини йўқотмоқда. Умумжаҳон меъёр танлов билан, эҳтиёж хоҳиш билан алмаштирилади. Аммо одамнинг априори ҳисобланган болаларга бўлган эҳтиёжидан фарқли ўлароқ, фарзанд кўриш истаги пайдо бўймаслиги мумкин .

Асарларини фундаментал деб таснифлаш мумкин бўлган М.С.Матковский, П.Сорокин ва А.Г.Харчевлар оила институтининг мавқеи бевосита ижтимоий-иқтисодий омилга боғлиқлигини очиб берди. Бироқ бугунги кунда, эҳтимол, ўзгаришлар юз берди – кўп фарзандли бўлишнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари ўз фаолиятини тўхтатди. Бу тенденция, Европа социологларининг фикрига кўра, эр-хотин учун болаларнинг янги роли билан боғлиқ. Замонавий болалар оила учун иқтисодий фойдалилигини йўқотиб, ота-оналари учун катта ҳиссий ва психологоик аҳамиятга эга бўлдилар .

Маҳаллий тадқиқотларда ота-оналикни ўрганишга катта эътибор берилади. О.Н.Безрукова оиласининг кундалик ҳаёти қандай ташкил этилиши, ота-онанинг ота-она вазифаси учун жавобгарлиги табиати ва ота-она роли билан идентификация даражасига қараб ота-оналарнинг моделларини типлаштириди. Ушбу мезонларга мувофиқ, ота-оналарнинг қўйидаги моделлари аниқланди: анъанавий (ата-она ролларини фарқлаш билан), бирдамлик (болалар тарбияси учун биргаликдаги масъулият), делегация (болалар тарбияси учун жавобгарлик кўпроқ бошқа шахсларга – катта авлодга ўтказилади, уй ходимлари).

Кўп болали оиласининг учта тоифаси мавжуд:

1. Англанган кўп болалик. Оила ёки диний ва миллий анъаналар мустаҳкам бўлган оиласарда учрайди.

2. Ота ёки онанинг бошқа болалар иштироқида қайта турмуш куришида умумий боланинг туғилиши. Кўп болали оиласининг бу тоифасида болаларни тарбиялашда “тўлиқсиз” бошланғич маълумотлар мавжуд.

Ушбу икки тоифа жуда хавфсизdir. Кўп болали оиласар (онгли равища кўп болали) одатда мустаҳкам олавий анъаналарга, аниқ ички тузилишга, етарлича кучли ҳимояга ва анъанавий ҳурматли муносабатга эга. Бундай оиласарда муаммо ва низолар осонроқ ҳал

қилинади, ота-оналар ёлғиз кексаликка эга эмаслар. Оиланинг психологоик муҳити – бу ўзаро тушуниш, иккала турмуш ўртоғи томонидан муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларининг бир хил қарашлари орқали ҳал қилинади.

3. Кўп болали нокулай оиласар. Кўпинча асоциал турмуш тарзини олиб борадиган ота-оналарда кузатилади: алкогализм, ишсизлик, ақпий ногиронлар, бу ерда болалар кўпинча моддий ёрдам олиш воситасидир. Бундай оиласарда ота-оналарнинг таълим даражаси ва ижтимоий мавқеи паст бўлади .

Кўп болали оиласарни ўрганишда кўпчилик муаллифлар уларни хавф гуруҳига киритишади. Айрим оиласар ҳозирги шароитда ўз ҳаётларини яхшилаш имкониятига эга эмаслар. Ушбу гуруҳнинг қийинчилари шунчалик мураккабки, улар асосан оиласада болаларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлади.

Кўп болали оиласар турли жинс, ёшдаги одамлар ўртасида доимий мулоқот қилиш учун ҳақиқий имконият яратади ва худбинлик, дангасалик каби фазилатларни шакллантириш имкониятини камайтиради. Кўп болали оиласарда пайдо бўладиган қизиқишлир, характерлар, муносабатларнинг хилма-хиллиги болаларнинг ривожланиши, ота-оналарнинг шахсиятини яхшилаш учун яхши заминдор. Кўп болали оиласар аъзолари ўртасидаги муносабатларда катталарни ҳурмат қилиш айниқса муҳимдир. Кўп болали оиласар ҳар бир болани келажакдаги мустақил олавий ҳаётга тайёрлайдиган колективизмнинг ажралмас мактабидир. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳар иккинчи кўп болали оиласар моддий ёрдамга муҳтоҷ, ҳар бешинчиси—профилактика ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ, бу ота-оналарнинг психологоик ва педагогик малакасини оширишга ва болаларнинг ижтимоийлашувига ёрдам берилиши керак. Кўп болали оиласардаги ота-оналар одатда кучли психологоик барқарорликка эгалиги билан ажралиб туради. Улар стрессларга кўпроқ бардош берадилар, ҳаёт қийинчиларини осонгина енгигб ўтишади, чунки улар аллақачон қадриятларни биринчи ўринга қўйган ва энг қимматли нарса – фарзандлари фойдасига танлов қилган бўлишади. Шунингдек, уларда

⁵ Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности: трактат по социологизму. М., 1995.

⁶ Парсонс Т. О структуре социального действия. М., 2002.

⁷ Castells M. Urban Sociology and Urban Politics: From a critique to new trends of research//Comp. Social Res. 1975. Vol. 3, № 1.

⁸ Особенности личностного отношения к семье у многодетных родителей //А.С.Пушкин и российское историко-культурное сознание. Провинциальная ментальность России в прошлом, настоящем и будущем. Материалы III Международной конференции по исторической психологии российского сознания. Т.5. Вып.1. Самара, 1999. С. 342-344.

мустақил қарор қабул қилиш бироз сүстроқ бўлиб, оиласа алоқадор ҳар қандай муаммо биргалиқда умумий қараашларга асосланиб қабул қилинади.

Ҳозирги вақтда оила – никоҳ – ота-оналик муаммолариға нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ю.И.Алешина, В.Н.Дружинин, С.В.Ковалева, А.С.Пиваковская, Э.Г.Эйдемиллер ва бошқа олимлар оила нисбий мустақиплик ва барқарорликка эга бўлса-да, жамиятда содир бўлаётган барча ўзгаришларни бевосита ёки билвосита акс эттиришини таъкидлайдилар. Оиладаги тизимлиликнинг асосий услубий тамойилига кўра, оилавий муносабатлар таркибий яхлитликни ифодалайди, унинг элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, булар никоҳ, ота-она-бала, бола-ота, бола-бала, бобо-буви муносабатларидир. Оилавий муносабатларни тадқиқ этишнинг муҳим методологик тамойили — синергетик — инқироз даврларини ҳисобга олган ҳолда, оилавий муносабатлар динамикасини чизиқли бўлмаганлик, мувозанатсизлик нуқтаи назаридан кўриб чиқишига имкон беради.

А.И.Аntonov фикрича оила “шахсий эҳтиёжларни қондириш ва туғилиш бўйича ижтимоий функцияларни бажаришни үйғунлаштирадиган ота-оналик-никоҳ-қариндошликуносабатлари билан боғлиқ бўлган шахсий мулк ва оилавий фаолиятга асосланган одамлар бирлашмаси, болаларни сақлаш ва ижтимоийлаштириш институти ҳисобланади” . Психология оилани ижтимоий-психологик гурӯҳ сифатида ўрганар экан, унинг аъзоларининг шахслараро муносабатларига, уларнинг турли ижтимоий ва оилавий вазиятлардаги ўзаро таъсирига, оилавий ҳаётни ташкил этишга ва кичик гурӯҳ сифатида оиланинг барқарорлиги омилларига эътибор беради. Шу билан бирга, оила маълум бир жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига мос келадиган, биргалиқдаги фаолиятда шаклланадиган шахслараро муносабатлар мажмуи билан бирлаштирилган ижтимоий гурӯҳ сифатида талқин этилади.

Бугунги кундаги замонавий кўп болали оилалардаги шахслараро муносабатларни тадқиқ этишда психология фанининг асосий методологик тамойиллари – акс эттириш, детерминизм, онг ва фаолиятнинг бирлиги, ривожланиши каби тамойиллардан кенг

фойдаланиш мумкин. Шунингдек, оила ва туғилиш социологиясидан назарий ёндашувлар (А.И.Антонов, М.С.Матковский, А.Г.Харчев) ҳамда кўп оилаларнинг социологик, демографик, иқтисодий, тиббий-генетик тамойилларини инобатга олиш ҳам муҳим .

Кўп болали оилаларни ўрганган кўплаб тадқиқотчилар оила аъзоларининг оилавий қадриятларга эътибор қаратишни таъкидлайдилар. Кўп болали оилаларда бирлиқка интилиш ҳамда ҳамкорлик қадрияти мустаҳкам ривож топган. Оиланинг катталashiши билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар ўзгаради. Рол тузилмаси аста-секин кенгайиб боради, бу “бала-бала” типидаги турли ёшдаги муносабатлар туфайли юзага келади. Ота-оналар билан мулоқотнинг пасайиши кўп болали оиладаги ака-ука ва опа-сингиллар билан ўзаро муносабатларнинг кучайиши билан қопланади. Боланинг ривожланишида болалар мулоқоти алоҳида рол ўйнайди, бу болаларнинг ақлий ривожланишига таъсир қиласи, аммо, афсуски, оиладаги болалар ўртасидаги мулоқот ота-оналар билан янада бойитилган (оғзаки ва интеллектуал) мулоқотнинг этишмаслигини тўлиқ қоплай олмайди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кўп болали оилаларда ўз фарзандларини қабул қилиш ва ота-оналар томонидан кўллаб-куватланиш билан бир қаторда, ота-оналарнинг турли болаларга бўлган муносабатларида авторитаризм, расмиятчилик ва монотонлик бир вақтнинг ўзида кучайиши мумкин.

Психология учун кўп болали оила ичидаги муносабатларнинг ўзига хослиги, шунингдек, унинг аъзоларининг психологияк хусусиятларининг мавжудлиги туфайли алоҳида қизиқиш ўйғотади. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан кўп болали оиланинг пайдо бўлишини ҳам, унинг кейинги мавжудлиги ва ҳаёт хусусиятларини ҳам белгилайди. Ҳозирги вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди (шу жумладан асраб олинган болалар, шунингдек ўгай фарзандлари) бўлган оила кўп болали оила ҳисобланади. Э.Ф.Ачилдиеванинг таснифига кўра, кўп болали оилаларнинг қуидаги турлари ажратилади:

– Ота-оналар фарзандларини яхши кўрадиган ва уларга онгли равишда эга бўлишни хоҳлаган оилалар. Бундай оилаларда бола ҳаётдаги қадриятлардан бири сифатида ҳаракат қиласи ва ота-оналар фарзандларининг яхши ҳаёт кечириши учун қўлидан келганини қиласидилар.

– Ота-оналар онгли равишда кўп фарзандли бўлишга интилмаган оилалар. Учинчи ва кейинги болалар, асосан, оилани режалаштиришнинг

⁹ О некоторых перспективах развития психологии семьи // Социальная психология — XXI век. Доклады участников симпозиума. Т.2. Ярославль: ДИА-пресс, 1999. С. 337-338.

¹⁰ Экономические аспекты формирования и жизнедеятельности многодетной семьи // Психология и экономика. Труды 1-й Всероссийской научно-практической конференции РГО. Т.2. Калуга, 2000. С. 318-319.

¹¹ Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.В. Семейный диагноз и семейная психотерапия. – СПб.: Речь, 2006. – 352 с.

йўқлиги туфайли уларда пайдо бўлиши мумкин. Бундай еттига эгизак ёки уч эгизак туғилиши натижасида, ҳомиладорликни тўхтатишдан қўрқиш, шифокорнинг онанинг соғлиғи сабабли abort қилишни тақиқлаши, диний эътиқодларга кўра abort ва контрацепцияни рад этиши натижасида пайдо бўлиши мумкин.

– Иккита тўлиқ бўлмаган оиласарнинг бирлашиши натижасида ташкип этилган оиласар, бунда уларнинг ҳар бири аллақачон фарзандли бўлган бўлади.

– Кўп сонли болалар туғилиши муаммонинг намоён бўлиши деб ҳисобланиши мумкин бўлган оиласар. Бу ерда болалар кўпинча турли хил имтиёзлар, қўшимчалар олиш воситасидир. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда бундай оиласарда болалар тартибсиз жинсий алоқалар, алкоголь ёки гиёхвандлик ҳолати натижасида туғилади ва ота-оналарнинг типик психологик муносабати уларнинг асосий вазифаси болани тарбиялаш эканлигига ишонишиди.

Кўп болали оиласарда ажralишлар

нисбатан камроқ қайд этилади, бироқ ушбу ҳодиса содир бўлган тақдирда ҳам бу факат эрнинг иқтисодий ёки ахлоқий-психологик қобилиятсизлиги туфайли юзага келган, дея қаралади. Э.В.Фотеева томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, кўп болали бўлиш мотиви табиий бўлиб, бундай типдаги оиласар бошиданоқ турмуш ўртоқларнинг бир-бирига, оиласарий келажагига бўлган ишончи билан ажralиб туради, бу эса уларга кўп фарзандли бўлишга имкон беради. Оиласадаги барча болалар оиласага мажбурий таъсир кўрсатди. Кўп болали оила болалар, катталар ва кичиклар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги турли хил муносабатларга бой. Бу шахсни шакллантириш ва ёш авлодни ижтимоий фаолиятда, жумладан, никоҳ ва ота-она ролларида иштирок этишга тайёрлашда катта аҳамиятга эга¹³.

Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида, уч ёки ундан ортиқ фарзанди, шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган асрар олинган болалари бўлган оила кўп болали оила ҳисобланиши



